

2022

йил — Инсон қадрини
улуғлаш ва фаол
маҳалла йили

Халқнинг теран маънавиятисиз, гуру-
рисиз, юксак маданиятисиз буюк давлат
қуриб бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

YANGI



SIRDARYO

Ижтимоий-сиёсий, оммавий газета

Муассис: Сирдарё вилояти ҳокимлиги

№ 21 (11572) 3 ИЮНЬ 2022 ЙИЛ, ЖУМА

Sirdaryo24.uz

Sirdaryo 24

Sirdaryo 24

Sirdaryo 24



“Баркамол авлод” мактаби — иқтидорли болалар маскани

1 июнь — Халқаро бо-
лалар кунда Гулистон
шаҳридаги собиқ “Яшил
театр” биноси ўрнида
қад кўтарган “Баркамол
авлод” мактабининг ишга
туширилгани нур устига
аъло нур бўлди. Танта-
нали очилиш маросими-
да тасмалар қирқилгач,
ҳамма замонавий қиёфа-
си билан кишининг ҳава-
сини келтирувчи бино-
нинг ичкарисига киришга
ошиқди.

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазири Бахти-
ёр Саидов ва вилоят ҳокими
Ғофуржон Мирзаев ҳамроҳ-
лигидаги меҳмонлар машгу-
лотлар олиб борилаётган хоналарга
бирма-бир кириб, тўғарақларнинг аъ-
золарига ўқувчилар сумкалари ва
ширинликлар улашишди. Радио-
техника, электротехника ва алоқа
тўғараги раҳбари Анвар Бўронов
кўргазмани қуроллардан унум-
ли фойдаланаётган эди. 30 нафар
ўқувчи иштирокидаги машгулот-
лар қизиқарли давом этаётганини
англаб олиш қийин эмасди. Би-
чиш-тикиш тўғараги машгулотла-
рини Барно Шарипова, кўгирчок
театри тўғараги машгулотларини
Гавҳар Қодирова олиб бориша-
ётганининг гувоҳи бўлдик. Шу-
нингдек, 20 нафар аъзоси бўлган
шахмат-шашка тўғараги Ҳасан
Холбеков раҳбарлигида, 10 нафар
аъзоси бўлган мунчоқли безаклар
тўғараги Шахло Тўрабекова раҳ-
барлигида ташкил этилган экан.



Шоира Асророва бошқараётган
оила ҳамширалари тўғарагига 10 на-



фар, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш тўғара-
гига 10 нафар қизлар аъзо бўлишган.
Чет тиллар тўғараги
(раҳбари Шахло Бер-
дибекова) аъзолари
меҳмонларнинг ин-
глиз тилида берган
саволларига англиз
тилида бийрон-бий-
рон сўзлаб жавоб бе-
риб, лол қолдириш-
ди. Айниқса, меҳнат,
арифметика тўғараги
аъзолари ўзларининг
устозлари Шахноза
Тангирова ва Аваз
Тўйчиевнинг кўп сон-
лар иштирокида озга-

ки мисол ечиш бўйича берган савол-
ларига ўз вақтида тўғри жавоб бериб,
ўзларининг ноёб иқтидорлари
билан меҳмонларни қойил қол-
диришди.

Ташриф буюрганлар вило-
ят болалар кутубхонаси фили-
али жойлашган катта хонага
киришганида “Ёш китобхон”
кўрик-танлови республика
босқичи ғолиби, Президент му-
кофоти соҳиби, ГулДУ талабаси,
ёш ижодкор Ёркинжон Ҳайит-
боев мактабларнинг ўқувчилари
билан китоб муталаасининг
муҳим аҳамияти хусусида суҳ-
бат ўтказётган экан. Унинг му-
лоқотидан сўнг бўлим мудираси
Ҳусния Холбоева ва кутубхоначи
Наргиза Норқуловалар ўғил-қиз-
ларга янги нашр этилган бадиий
китоблар ҳақида маълумотлар бериб,
улар ҳам китоб ўқиган киши билим-
дон, теран фикрли ва бой тафаккур-
ли бўлиши муқаррарлигини эътироф
этишди. Кутубхонада аудиокитоблар
бўлими борлиги ҳам болалар учун яна
бир қулайлик яратилганидан далолат
бериб турибди. “Баркамол авлод” мак-
таби биносида китоб дўкони ҳам таш-
кил этилган бўлиб, барча соҳага оид
энг янги китоблар мавжуд.

Ҳасан АБДУВОҲИДОВ

Суратларда: “Баркамол авлод”
мактаби очилган кундаги жараён-
лар.

Тасвирчи: Фуркат ТОШМАТОВ.



Қисқа сатрларда

Ўзбекистон Республикаси Прези-
денти Шавкат Мирзиёевнинг такли-
фига биноан Тожикистон Республи-
каси Президенти Эмомали Раҳмон
2 июнь кун расмий ташриф билан
мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон — Тожикистон: муно-
сабатларда янги босқич бошланмоқда.

Тошкент халқаро аэропортида
Президент Шавкат Мирзиёев мамла-
катимизга расмий ташриф билан кел-
ган Тожикистон Президенти Эмомали
Раҳмонни кутиб олди.

Урганчада “Жалолиддин Мангу-
берди мактаби” қурилиши бошланди.

Давлат музейлари мустиқлик
йилларида яратилган санъат асарла-
рини аҳолидан сотиб олади.

Президент фармони билан 22 хил
тоифадаги озиқ-овқат маҳсулотлари-
ни йил охиригача Ўзбекистонга олиб
киришда импорт божини ундирилмас-
лиги белгиланди. Балиқ ва сут маҳ-
сулотлари, банан ва цитрус мевалар,
ўсимлик ёғи ва сариеғ, тухум ва кофе
шулар жумласидан.

Қашқадарёдан Тошкентга олиб
кетилган 830 килограмм истеъ-
молга яроқсиз гўшт тўхтатиб қолин-
ди.

Ўзбекистонда ўсимлик ёғини
хорижга экспорт қилиш вақтинча
тақиқланди.

1 июндан Тошкентдаги аксарият
бозорлар ва дўконларда қолипчи нон
2800 сўмдан сотила бошланди. Бир
кун олдин пойтахтда “буханка” нар-
хи 1600 сўм эди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон —
Тожикистон бизнес-форуми ва икки
мамлакат ишбилармонларининг уч-
рашуви бўлиб ўтди.

1 июнь кун Республика то-
вар-хонашў биржасида ун бўйича
дастлабки очик биржа савдолари ўт-
казилди.

Биржа хабарига кўра, “Ўздон-
маҳсулот” АЖ таркибидаги 44 та
корхона томонидан бугунги биржа
савдоларига 10,0 минг тонна 1-навли
ун қўйилган ва улардан 8,3 минг тон-
наси, яъни 83 фонзи сотилган.

Қашқадарёда 20 йил ўғил бола
исми билан юрган кизга ўз исми
ёзилган гувоҳнома берилди.

Хавфсизлик камарини такмаган
йўловчига қонунчиликда жарима
белгиланмаган.

• 1 июнь — “Сирдарё ҳақиқати” (“Янги Сирдарё”) газетасининг илк сони чиққан кун ==

59 ёшли паҳлавон

1963 йилнинг 16 февралда Ўзбекистон харитасида янги жуғрофик тузилма— Сирдарё вилояти пайдо бўлди. Ўшанда вилоятнинг биринчи раҳбари этиб Носир Маҳмудов тайинланган эди. Орадан тўрт ойга яқин вақт ўтиб, аниқроғи, 1 июнь кuni вилоят партия қўмитасининг наشري “Сирдарё ҳақиқати”нинг илк сони дунё юзини кўрди. Тахририятда иш бошлаш учун азим пойтахт Тошкентдан бир гуруҳ таниқли журналистлар сафарбар этилди. Жумладан, газета муҳаррирлигига республикамизнинг ҳажвий журнали “Муштум”нинг бош муҳаррири, таниқли шоир Акмал Пўлат, унга муовин қилиб ўткир публицист ва шоир Султон Акбарий тасдиқланди.

Газетанинг илк сонини режалаштиришга бағишланган йилгишда Акмал Пўлат, газета масъул котиби Самад Қодиров, бўлим мудирлари Олим Қўчқорбеков, Саъдулла Бокиев, Мели Маҳмудов, Эркин Отабев, Раҳмон Мамадулов иштирок этишди. Газетага турли йилларда Акмал Пўлат, Исмоил Сулаймонов, Саъдулла Бокиев, Жўра Умарқулов, Сайдулла Рўзиқулов, Баҳром Тўраев, Ортиқ



Султонов, Жумабой Қосимов, Отабек Абдуганиевлар муҳаррирлик қилдилар. Газета нуфузини кўтаришда Саминжон Султонов, Кабир Шуқуров, Ҳақимжон Халилов, Турғун Жамолов, Нўъмон Насимов, Шароф Убайдуллаев, Муҳаммад Исамуродов, Баҳодир Муҳам-

мадиев, Иброҳим Норматов, Алиқул Хонимқулов, Бозорбой Бекмуродов каби ўнлаб иқтидорли журналистлар муносиб хисса қўшдилар.

Газетанинг илк сони А-2 бичимда ҳафтасига 5 марта 10 минг нусхадан чоп этилган бўлса, ўтган асрнинг 70-йилларига

келиб, унинг адади 60 минг нусхагача кўтарилди. Тахририят қозонида кайнаган Саъдулла Бокиев, Иброҳим Норматов, Алиқул Хонимқулов, Холида Пардабоева каби калам соҳиблари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист мактабига мушарраф бўлдилар.

2023 йилда “Сирдарё ҳақиқати” ва “Сырдарьинская правда” газеталари ташкил топганига 60 йил тўлади. Айни пайтда Сирдарё вилоят ҳокимлигининг наشري саналган “Янги Сирдарё” газетаси атиги 1500 нусхада чоп этилмоқда. Ададини айтишга уяласан, киши. Ўйлаймизки, вилоят ҳокимлиги ва унинг раҳбари ҳурматли Ғофуржон Мирзаев ўз газетасининг истикболига бефарқ бўлмайдилар. Нашрнинг тўлақонли фаолият олиб боришга қулай шарт-шароит ярати берадилар.

Вилоятимиз аҳолисини сеvimли газеталари — “СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ” ва “СЫРДАРЬИНСКАЯ ПРАВДА”нинг илк сони чиққан кун билан табриклаймиз! Бугун газеталаримизнинг номи давр тақозоси билан “ЯНГИ СИРДАРЁ”-“НОВАЯ СЫРДАРЬЯ” деб аталмоқда. Ҳар икки нашрга таниқли шоир ва публицист Муҳаммад Исмоил бош муҳаррирлик қилмоқда. Газетани ўқишли қилиш йўлида излашнишлар олиб боришмоқда.

Биз сизлар билан ҳамisha елкадошимиз, азиз МУШТАРИЙЛАР!

М. АҲМАД,

“Янги Сирдарё” газетаси бўлим мудир.

Суратда: тахририятнинг ижодий жамоаси.

• **Партия ҳаётидан**

ВИЖДОН АМРИ БИЛАН

1 июнь кuni мамлакатимизда “Бор меҳрим сенга, болажон!” деб номланган акция доирасида ихтиёрий равишда қон топириш тадбирлари ўтказилди. Худди шундай тадбир “Адолат” СДП вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят қон қуйиш станциясида бўлиб ўтди.

Вилоят Кенгаши раиси Жамолитдин Комилов, вилоят кенгаши депутати М. Исмоилов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдмчиси С.Турсунов, Гулистон туман Кенгаши депутати Ф.Мингбоев, Гулистон шаҳар депутати Э.Абдурахмоновлар фаол иштирок этган хайрли ишда 23 нафарга яқин қўнгилдилар ўз ихтиёрлари билан онколог-гематологик ва оқ қон касалига мубтало бўлган беморларга виждон амри билан ёрдам бериш мақсадида 470 граммгача, жами бўлиб 11 литр 685 миллиграмм миқдорда қон топиришди.

— Бундай акциялар хали 14 июнь — Халқаро донорлар кунига ҳам давом этади, — деди суҳбатда вилоят қон қуйиш станцияси раҳбари Ҳайдар Саломов. — Ҳамширалардан Зебо Қурбонова, Дилфуза Умарова, Дилором Турғунова ва Мафтуна Аллаёровалар донорлар билан яхши муносабатда бўлиб, биргаликда беморларнинг дардларига дармон топишмоқда.



Бош ҳамшира Гулбаҳор Ҳайдарованинг айтишига караганда, Суннатулла Мамагов, Феруза Жўраева, Адолат Саидова ва Равшан Мақсумов каби фаол донорлар виждон амри билан ўзларининг бегараз инсонийлик бурчларини бажаришмоқда.

Ҳ. АБДУВОҲИДОВ.

Суратларда: “Бор меҳрим сенга, болажон!” акцияси доирасида ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Тасвирчи: Элбек УМАРОВ



Хирмон тўлиб тўкилди дон...

“Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон қабул қилиш корхоналари “Ғалла-2022” мавсумига тайёр. Жумладан, “Ховосдонмахсулотлари” АЖ қошидаги ДҚҚШга қарашли 62 дона ўлчаш воситалари, шу жумладан 2 дона 40 тоннагача электрон автомобиль тарозилар, “Узоқов” ДҚҚШдаги мавжуд 46 дона ўлчаш воситалари, 1 дона 40 тоннагача электрон автомобиль тарози, шунингдек, “Ғаллакор” ДҚҚШдаги мавжуд 24 дона ўлчаш воситалари ҳамда 1 дона 40 тоннагача электрон автомобиль тарози давлат киёсловидан ўтказилди. Бундан ташқари, “Оқолтиндонмахсулотлари” АЖ қарашли “Оқолтиндонмахсулотлари” АЖ қошидаги ДҚҚШда фойдаланишда бўлган 134 дона ўлчаш воситалари, 1 дона 150 тонналик вагон тарози, 2 дона 60 тоннагача электрон автомобиль тарозилар, “Бобур” ДҚҚШдаги мавжуд 69 дона ўлчаш воситалари, 1 дона 40 тоннагача электрон автомобиль тарози, “Гулистон” ДҚҚШдаги мавжуд 60 дона ўлчаш воситалари, 1 дона 40 тоннагача электрон автомобиль тарози давлат киёсловидан ўтказилиб, мавсумга шай қилинди.

**А.НИХОЛОВ,
Д.САНГИЛОВ,**

“Ўз ММИ” ДМ Сирдарё филиали мутахассислари.



Анқара БМТга расмий мурожаат билан чиқиб, мамлакатнинг халқаро номини «Türkiye» деб қайд этишни сўраганди. Давлат номини бундай ўзгартириш аввалроқ бошланган #helloTürkiye кампанияси билан, яъни Туркия номидан ўзининг халқаро майдондаги жаъраёнлар, воқеалар ва расмий ҳужжатларда фойдаланишга қарор қилгани билан бозлиқ, Олдинги «Turkey» деган номдан воз кечилди.

“ТЎРТ ЯРИМ МИНГ ДАРАХТИМИЗ БОР”



Гулистон шаҳар истироҳат боғи давлат унитар корхонаси хизматчилари ҳар куни эрталаб соат 8.00 дан кеч соат 23.00 гача шаҳарликлар ва туман, шаҳарлардан келган меҳмонларга ҳолисона хизмат қилади. 20 нафар ходим фаолият кўрсатаётган истироҳат боғида 100 нафарга яқин тадбиркор аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун қўлайликлар яратиш мақсадида ўзларининг шахсий шохобчаларини яратибган.

— Янги Сирдарёдаги истироҳат боғи янгича қиёфа касб этмоқда, — дейди истироҳат боғи директори Абдикул Отабоев. — Тут, арча, мажнунтол, шумтол, сада, карағай, кўктерак, жийда, туя каби дарахтларнинг жами сони ҳозирги кунда тўрт ярим



мингдан ошиб кетди. Улар бу ерда ажойиб манзараларни, салқинлик ва гўзалликни таъминлаб туришибди. Кўплаб жойларга райхон, турли хил анвойи гуллар экилганки, кўрган кишининг баҳри-дили очилади. Мавжуд 30 га яқин аттракционда ёшлар, катталар

бўш вақтларини мароқли ва завқли ўтказишмоқда. 15 га яқин яхна ичимликлар ва енгил овқатланиш масканлари ташкил этилган бўлиб, у жойлардаги ходимлар хизматидан ҳордиқ чиқарувчилар мамнун бўлишяпти.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни эрталабдан истироҳат боғига ижодий жамоамиз билан ташриф буюрганимизда вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев совға қилган электромобиллар катталарнинг, никоҳдан ўтган келин-куёвларнинг, енгил машиначалар болалар учун намунали хизмат қилаётганининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, 500 квадрат метрли майдонни камраб олган роликли конькида учиб аренаси болалар ва ўсмирлар билан гавжум эди. Айланма поездда сайр қила-



ётган, кичик бассейнда ўзларининг резина қайиқчаларида сузаётган жажжи ўғил-қизларнинг юзларидаги қувонч ифодасини кўрганимизда уларнинг севинчи юракларимизга кўчди. Каруселларда учаётган ёшларнинг завқланишганини, ажойиб фаввора атрофида ўзларининг фарзандлари билан

сайр қилиб юрган оналар ва невараларининг қўлларидан етаклаган бувижонларнинг қувончи чексиз эди.

Х. АБДУВОҲИДОВ

Суратларда: Халқаро болалар кунда истироҳат боғида.

Тасвирчи:

Элбек УМАРОВ

• Адлия тизимида

Янги бино ишга тушди



Ғофуржон Мирзаев, ҳукукни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат органлари ва ташкилотлари мутасаддилари, нуронийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ис-

Яқинда Оқолтин тумани марказида замонавий кўринишда қурилган, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган адлия бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бинонинг очиш маросимида вилоят ҳокими



лоҳотларни ҳукукий жиҳатдан таъминлаш, жойларда аҳолини ташвишга солувчи ҳукукий муаммоларни ҳал этиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш масалаларида адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулияти сезиларли равишда ошмоқда, — деди вилоят раҳбари ўз сўзида.

Шу куни фуқаро Наргиза Хусанова учун қувончли бўлди. Унинг 2017 йилда туғилган фарзанди Фарход Баходировнинг туғилганлик факти белгиланди. Бўлажак келин-куёвлар Сиёвуш Усмонов ва Дилдора Ахророванинг никоҳдан ўтиш маросими ўтказилиши ҳам эсда қоларли бўлиб, барпо этилажак ёш оила учун қўшалок шодиёнага айланди.

Дилноз УМУРЗОҚОВА,
вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

Рўйхатга олиш қандай амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020- йил 11-ноябрдаги №710- Қарорига асосан Республикаимизда 2023-йил 1-25-ноябр кунлари Аҳолини рўйхатга олиш жараёни амалга оширилади.

1-5 ноябр кунлари интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳолини рўйхатга олиш.

6-10 ноябр кунлари фуқоролар интернет орқали рўйхатдан утганиги шакллантирилиб ҳудудларга етказиб берилади.

11-22 ноябр кунлари 12 кун давомида айнан рўйхатга олиш жараёнлари бошланади.

23-25 ноябр кунлари ҳар бир ҳисоб учаскасидаги уй манзилларининг 10 фоизини танланма равишда назорат кузатуви асосида ўрганиш. шу тариқасида рўйхатга олиш жараёнлари яқунланади.

Рўйхатга олиш жараёнларида иштрок этадиган ходимларни танлаб олиш уларни ўқитиш рўйхатга олишга таёрлаш бўйича аҳолини рўйхатга олиш бўйича ҳудудий камиссия ташкил этилган. Бу албатта туман шаҳар ҳокимлиги бошчилигида шу жараёнга тааллуқли бўлган барча мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилади.

Рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга жалб қилинган шахслар билан белгиланган тартибда шартномалар тузилади.

Ўзбекистон республикаси давлат хавфсизлик хизмати, миллий гвардия, мудофаа вазирлиги, ички ишлар вазирлиги, фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ташқи ишлар вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, халқ таълими вазирлиги «аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунининг 24-моддасида белгиланган аҳолининг айрим тоифаларини рўйхатга олиш ишларини ташкил этади.

Сирдарё туман статистика бўлими етакчи мутахассиси Ғ.Расулов

Миллионлар судга етаклаганда...

“Yangiye red Gold” МЧЖ томонидан Мирзаобод туманидаги 7-сон умумтаълим мактабида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилган.

Таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг объект фойдаланишга топширилиб, бажарилган ишлар учун компания томонидан 95 фоиз, яъни 1 277 750 000 сўм миқдорда тўловлар амалга оширилган.

Шартноманинг 11-бандида 12 ойлик кафолат муддати ўтгандан сўнг қолган 5 фоизлик тўлов амалга оширилиши кўрсатилган. Бироқ, тўланиши

лозим бўлган 63 181 942 сўм миқдордаги қолдиқ сумма бугунги кунга қадар тўланмаган.

Юқоридагиларга қўра, адлия бошқармаси томонидан тадбиркор манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Натижада қурилиш бўйича “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ҳисобидан “Yangiye red Gold” МЧЖ фойдасига 63 181 942 (олтмиш уч миллион бир юз саксон бир минг тўққиз юз қирқ икки) сўм миқдорда асосий қарз, 6 000 000 (олти миллион)



сўм миқдорда пеня ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Жаҳонгир ШАМИРЗАЕВ,
вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш муҳим вазифамиздир.

Коррупцияга қарши жамоатчиликнинг мурасиш муносабатини шакллантириш муҳим вазифамиздир!

Халқнинг турмуш даражасини ошириш, коррупциянинг олдини олиш мамлакат тараққиётининг гаровидир.

• Ёш истеъдодлар

Дилноза —
гран-при соҳибаси!

Гулистон давлат университети санъатишунослик факультетининг “Анъанавий хонандалик” йўналиши 1-босқич талабаси Дилноза Хаитова жуда иқтидорли қиз.



Дилноза Янгирда туғилиб, ўсган. У болаликданок турли тадбир ва кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, жарангдор овози билан ғолиблар каторидан жой олди.

У 2021 йилда ГулДУ талабаси бўлди. Дилноза ўқиш давомида университет, шаҳар ва вилоят миқёсидаги турли тадбирларда ўз истеъдодини намоиш этди.

Дилноза асосан опера йўналишида ижод қилади. У жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Қалб” республика ёш ижрочилар танловида фахрли 1-ўринни кўлга киритди. Шунингдек, март ойида устози Моҳигул Акбарова тавсияси билан Франциянинг Париж шаҳрида (онлайн тарзда) ўтказилган “ТАЛЕНТ” халқаро вокал ижрочилари кўрик-танловида иштирок этди. Танлов якунига кўра, сирдарёлик ёш опера ижрочисига дунёнинг кўпгина давлатларидан келган 70 дан ортиқ иштирокчилар орасида Халқаро гран-при соҳибаси бўлиш насиб этди.

Биз Дилноза Хаитова ва унинг устозларини бу муваффақият билан табриклаб, келгусида улкан ижодий зафарлар тилаб қоламиз.

Баҳодир ХЎЖАҚУЛОВ,
Гулистон давлат университети
“Муסיкий таълим” кафедраси
мудир.

Шоир, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабек ўша 1980 йиллар охири ва 1990 йиллар руҳида битилган, таъкидлаш керакки, ШОИРнинг эмас, аксинча, бутун бир халқнинг, миллатнинг армону андуҳлари акс этган «ШОИРНИНГ ОНАСИ» деб номланган замгин шеърийи ўқиганида муҳташам залда йиғилган инсонлар юраги яна бир қалқиб кетди...

ШОИРНИНГ
ОНАСИ

Тушида шоир оқ кема кўради,
Уйғониб, ўз бағрин кийма кўради.
Шоир кун кўрмаган китмир замонда
Шоирнинг онаси нима кўради?

Маддоҳнинг онаси тўйиб пул кўрар,
Актёрнинг онаси гоҳи гул кўрар.
Шоир то халқини эркисиз кул кўрар,
Шоирнинг онаси нима кўради?

Хар кун оёғида ғовлардан из бор,
Хар куни бошида юз қилич, юз дор,
Шоир «онасини кўради» юз бор,
Шоирнинг онаси нима кўради?

Шоирнинг айбими ҳакни уккани?
Онанинг айбими шоир туккани,
Ҳак қани? Ҳақиқат тиккан туғ қани? —
Шоирнинг онаси нима кўради?

Ўзбекнинг зўрлари юртга сиғмайди,
Ўзбекнинг онаси раҳбар туғмайди —
Четдан чақиради!.. Шоир йиғлайди,
Шоирнинг онаси нима кўради?

Турмуш — бир хил қўшиқ, бир хил
накорат,
Кам туғ, деб онангни айлар ҳақорат,
Шоир фарёд қилар: бу қандай ғорат?!
Шоирнинг онаси нима кўради?

Эй ўтмиш замонлар, шохид хазонлар,
Хусайн Жовидлар, Чўлпон, Усмонлар,

Мустамлака даври нидолари

Кесилган забонлар!..

Сирдон осмонлар,
Шоирнинг онаси нима кўради?

Тирикман, то туркий тилим бор экан,
То ўлим аталган йўлим бор экан!
Қатагон деган шум илм бор экан,
Шоирнинг онаси нима кўради?

«Сен ҳақсан, болажон, нур менга ато!»
Мен — халқман, онажон,
ганимлик хато!
Мени газет урар, уларни Худо!..
Шоирнинг онаси нима кўради?

Онажон, холимга йиғлама сим-сим,
Халқни она дерлар — бу гўзал тилсим!
Онасин сотганлар қаердан билсин,
Шоирнинг онаси нима кўради?!

Мирзо КЕНЖАБЕК

ГулДУ санъатишунослик факультетида жонли ижро концерт ҳамда тасвирий суратларга бой кўргазма бўлиб ўтди.

Университет ўқув ишлари бўйича проректори Х.Кўшнев якунланган ўқув йилида юқори натижаларга эришган, халқаро танловларда олийгоҳ шаънини ҳимоя қилиб, ғолибликни кўлга киритган талабаларга, уларнинг устозларига Фахрий ёрликлар ва ташаккурномалар топширди.

“Муסיкий таълим” кафедраси жамоаси томонидан тайёрланган дастурдан халқ чолғулари оркестри, хор гуруҳининг чиқиши, вокал гуруҳи ва яккахон солистлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар томошабинлар калбидан чуқур жой эгаллади.

Шунингдек, университет фойеида ташкил этилган “Тасвирий санъат ва МГ” кафедраси талабалари томонидан ишланган тасвирий санъат, амалий ишлар кўргазмасидан 50 дан ортиқ кизиқарли ижодий ишлар намоиш этилди.

Х. ЭШОНҚУЛОВА.

• Кўргазма



УЛУҒ ИЖОД ОСТОНАСИДА



*Кимгадир ёқар лола, ким
атиргул шайдоси.
Мен учун райҳон аъло,
райҳоннинг йўқ баҳоси.*
(Қўшиқдан)

Вилоятимиз ҳокими Ғофуржон Мирзаев турли тадбирларда вилоятимизни, жумладан, Гулистон шаҳрини обод қилиш, гуллар шаҳрига айлантириш ҳақида сўз очар экан, шаҳримиз кўчаларидан райҳон ифори келиб туриши, уни кўпроқ ўстириш кераклигини бот-бот такрорлайди. Дарҳақиқат, шундай. Сўнгги йилларда шаҳримизнинг ландшафт дизайни тубдан ўзгарди, йил сайин гулзорлар кўпаймоқда, гулларнинг турлари ортомқда. Улар орасида райҳоннинг ҳам турфа навлари бор. Назаримда қайси ташкилот ёки муассасада райҳонни севгувчилар бўлса, ўша ердаги гулзорда райҳон кўп экилади. Масалан: вилоят ҳокимлиги, вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси бинолари

МЕН УЧУН РАЙҲОН АЪЛО...

олдида райҳоннинг бир неча хилини учратасиз. Хар куни йўл-йўлакай уларни меҳр билан тўйиб-тўйиб ҳидлаб ўтаман.

Шу ўринда райҳоннинг шифобахшлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқ жоиздир. Ахир бежиз уни “жаннат гули” деб аташмайди. Масалан, болаларда томоқ оғриғи бурун битиши, кўз кизариши, тана харорати кўтарилиши каби белгиларни сезганингизда, янги райҳонни (ёки қуриганини) қайнатиб, ичирсангиз ёки шу қайнатмага кўзларини ювсангиз, шифо бўлади.

Уйда қандай таом пиширилган бўлса-да унга райҳон қўшиб, тановул қилсангиз, овқат янада хушхўр ва мазали бўлади (айниқса, шўрва, мастава, мошхўрда каби суяқ таомларга).

Онажоним Ҳожарбиби (охирати обод бўлсин) ҳар доим кулоқларига райҳон



Табиат ва инсон

илиб юрардилар. Ҳовлимизда райҳоннинг бир неча тури (тўк сиёҳранг, яъни қора, яшил, садарайҳонлар) ўсарди. Дастурхон чеккасида хамиша гулдонга солинган райҳон турарди.

— Ҳовлида ўсиб турибди-ку, нега узиб, уйга қўясиз?
— десам, онажоним шундай дерди:

— Димоғимга иси келиб

турса, кўнглим яйрайди, ундан жаннат хиди келади.

Дарвоқе, пашша чакса ҳам онам “пашша хидидан қочади”, деб кўлимизга райҳон новдасини тутқазиб қўярди. Ёдимизда, ўша пайтларда тўйлар асосан ховлида бўлар, симларга осилган қатта лампочкалар олдида райҳон боғлаб қўйиларди. Чиндан ҳам райҳон пашшани хайдашини ўшанда билганман. Онам оламдан ўтган куни ҳам бошларида бир боғлам райҳон турганди. Сўнгги манзилга кузатар эканмиз, “онажонимнинг жойлари жаннатдан бўлсин, райҳонлар орасида сайр этиб юрсинлар”, деб дуо қилганимиз ёдимда.

Биласизми, Ҳиндистонда мазкур ўсимликни илохий деб ҳисоблашади. Уни маҳаллий аҳоли ҳам нафақат муаттар ифори сабаб балки, зиравор сифатида ҳам севиб тановул қилишади. Бунга Ҳиндистон-

га борганимда гувоҳ бўлганман. Бозорларда худди биздагидек боғ-боғ қилиб, (қишда эса қуриганини) сотишаркан.

Энг қизиғи, ўтган йили Канаданинг Эдмонтон шаҳридаги Альберто университетида қарашли Агахон номли (Агахон боғининг ўз тарихи бор) бир неча гектарли кенг (улкан) ботаника боғининг “Туркистон ўсимликлари” деган бўлимида анор, наъматак ва жийда дарахлари ёнида райҳоннинг бир неча хили ўсиб турганини кўрганман. Ўшанда юртимни соғиниб юрган кезларим эди. Боғ назоратчисидан райҳондан битта кичик новдасини узиб беришини сўраганим ёдимда. Назоратчи райҳоннинг атиги бир нечта япроғини олиб берди. Уларни қуришиб, китобнинг орасига солиб, анчагача ҳидлаб юрганман. Улар она заминимизнинг нафасини эслатиб турарди-да.

Ҳолида ПАРДАБОЕВА.



“Саволлар кўп, жавоб йўқ”

Ўзбек жамияти муаммолари ҳақида
Хушид Дўстмуҳаммад билан суҳбат

— Хушид ака, шахсан сиз ўзбек жамиятининг бугунги долзарб муаммоларини нималарда кўрасиз?

— Ҳар қандай жамиятда кечаётган жараён, воқеа-ҳодисаларни кузатиш, идрок қилиш ва уни ҳазм қилиш инсондан катта ақлий меҳнат талаб қилади.

Хўш, 34 миллион аҳолиси бор Ўзбекистон аталмиш юрт бугун қаёққа кетяпти? Биз бу саволни ўртага ташлар эканмиз, кечаги кунимизни ҳам ёдга оламиз. Ўртадаги бугун ҳақида гапириш учун кеча ва эртанги кун ҳақида ҳам албатта гапириш керак.

Мен Қуръони Каримда келган бир оятни кўп такрорлайман: «Қаён кетмоқдасизлар?!» — дейди Аллоҳ. Худдики мен шу саволни кўп ўйлаганим учун ҳам бугун сиз менга шу саволни бераётгандексиз.

Муқаддас ояти қаримдаги шу саволни мен ҳар бир таниш ва нотаниш кишига бергим келади. Ўйлаб кўринглар, қаёққа кетяпмиз? Худо умр берди, инсонмиз, яшайпмиз, оила қурдик, бола-чака, касб орттирдик. Хўш, буёғи нима бўлади?

Ҳар бир инсонга берилган шу савол жамиятга ҳам берилади. Давлатга, ҳукуматга ва Президентга ҳам албатта берилади.

Ҳозир кўз ўнгимиздан ўтаётган манзаралар 2016 йилдан бошланди. Аниқроқ айтганда, Ўзбекистонда президент ўзгариши натижасида бошланди.

Сиз муаммолар ичида қилиб кетгандекмиз, деяпсиз. Йўқ, биз аввал ҳам муаммолар ичида яшаётгандик. Сиз айтгандек, юзлаб, минглаб муаммолар энди қалқиб чиқди. Аниқроғи, давлат раҳбари шу муаммоларнинг эл-юрт назарига қалқиб чиқишига йўл қўйиб берди.

2016 йилда ҳам давлат сифатида мустақилликка эришганимизга салкам 30 йил бўлаётганди. Ҳозир ўтган даврни тўла тафтиш қилиш ниятим йўқ, лекин у даврда муаммоларни халқ ва жаҳон жамоатчилиги назаридан беркитишга ҳаракат қилардик. Гўё бизда муаммо йўқ, ҳамма ёқ гуллаб яшнаяпти, деган тушунча билан яшардик. Ахборот йўқ эди. Онг қачон шаклланади, қачон жадал ишлайди, қачонки ах-

борот бўлса. Холис ахборот кўпайганда инсон фикрлайди.

Ўйлашимча, Мирзиёев президентлигидаги сезиларли ишлардан бири ахборотни ўз холига қўйгани бўлди. Ҳозир давлат раҳбаридан тортиб, энг оддий одамгача жамиятдаги янгиликлардан бохабар.

Сиз шу жараёни айтяпсиз муаммолар ичида қолгандекмиз, деб.

Ҳозир ўзгариш такозо қилинмаётган соҳа қолмади. Ислохотлар тезлашиб кетди. Хўш, нега шундай бўлди? Мен ҳам бир каламкаш, жамиятни кузатиб юрган киши сифатида буларни ўйлайман.

Фикримча, бу жадалликнинг сабаби 27 йил давомида бой берган имкониятларимизни ишга солиш қарорига келганимизда.

Тасаввур қилайлик, агар ҳозирги ишлар 1991–1996 йилларда бўлганда эди, ҳозир бутунлай бошқача жамиятда яшаётган бўлардик.

Бизнинг вақтни бой беришга ҳақимиз йўқ эди. Мирзиёев шу тушунчадан келиб чиқди. Ахир, ўзбек халқи ҳам рўшноликка чиқиши керак. Эмин-эркин, замонавий ва тўқин ҳаёт кўриши керак. Ислохотларга барабар киришилгани шундан.

Бу жараёнда бир лекин бор. Одамлар бунни кўтара оладими? Улар бу ўзгаришлар шиддатини кўтара олаётими? Биздаги жараёнлардан қатъи назар, XXI аср — шиддат асри.

Шуниси аниқ, одамларда бошқа илож йўқ. Ҳозир ўзгариш қилмасак, одамларга дунё

истаган ҳаётни тақдим қилмасак, энди кечикамиз. Жуда-жуда орқада қолиб кетамиз.

Оддий одам, аҳоли нима қилиши керак? Тўғри, унда муаммо кўп, жонини асрайди, оила, рўзгорини ўйлайди, булар алоҳида муаммолар, лекин у жамиятдаги аралашув жараёнларини англаб етишга мажбур.

Шахс жамиятда нима кечаётганини англаб олиб, нима қилса, муаммолар камаёди, нима қилса, унинг ечимига эришилади, деган саволни ўзига бериши керак. Битта гишт бўлса ҳам қўйиши керак.

Ўзгаришлар вақт, давр жиҳатидан қонуний. Бошқа иложимиз йўқ. Қайтараман, ҳар ким, ҳар бир шахс бунни ўзи англаб етиши керак. Шундагина яшаш енгилроқ бўлади, шундагина воқеа-ҳодисаларга соғлом назар билан қарашга одатланамиз.

— Мени ажаблантирадиган яна бир нарсаси, нега бизнинг жамиятда шунчалик кўп савол мавжуд? Балки тушунлиқдадирмиз, эзилгандирмиз.

— Бу саволга мен кейинги пайтларда ўзим ўйлаб, мулоҳаза қилиб юрган бир фикр билан жавоб бераман. Сўнгги вақтларда газеталарни ва рақласам, маъно, мазмунини қўя турайлик, саволли сарлавҳаларни кўп кўряпман.

Мана масалан, «Хуррият» газетасини олайлик. Унинг сўнгги сонларидан бирида «Энди уча оламизми?», «Хар-хашами ёки ношукрлик?»

қаби сарлавҳали мақолалар эълон қилинди.

«Миллий тикланиш» газетасини кўринг, «Кимнинг қўли баланд келади?», «Биз қаёққа қараб кетяпмиз?» сарлавҳали мақолалар.

«Маҳалла» газетасида ҳам шундай, 90 фоиз мақолаларнинг сарлавҳаси савол аломатли: «Оналарнинг меҳнат стажидан кесиш қачонгача давом этади?», «Ўзбекистонда букмекерликка расман рухсат берилганми?», «Йўлларда болаларнинг ўлими учун ким жавобгар?»

Кўряпсизми? Мен бир мутахассис сифатида бундан ҳулоса чиқараман. Ҳозир одамларнинг, газеталарнинг, журналист ва блогерларнинг ва нихоят жамиятнинг саволи кўп, жавоб эса кам. Жавоб берадиган одам, жавоб берадиган идора йўқ.

Бори эса жавобни етарли беролмаяпти, бермаяпти. Хўш, нега саволларимизга жавоб йўқ?

Бу жўн гаплар эмас. Айниқса, жойларда берилаётган саволларга жавоб берилмаяпти, эътиборсиз ташлаб қўйилапти. Ёзсанг ёзавер деган кайфият бор.

Ҳайрон қоламан. Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликларига саволлар бор, лекин нега вазирлар жавоб бермайди? Олий таълимга савол йўқми, бор. Иш кидирувчиларга йўқми, бор. Саволлар гиж-гиж, жавоблар суст.

Мутасаддилар бу ҳолатни жиддий ўйлаб кўрмаса, жамиятда бошқача кайфият келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолишади.

Илём САФАРОВ
суҳбатлашди.

Уялмасанг, билганингни қил



ни меъёр ва ахлоқ қоидаларига мос амалга оширсак, яхши бўлади. Динимиз — гўзаллик дини. Пайғамбаримиз Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бир ҳадисларида "...Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради..." — деб бекорга айтмаганлар. Шу сабабдан суратимиз ва сийратимиз бир-бирига ҳамоханг бўлиши лозим. Бунни Жалолиддин Румий ҳазратлари "Ё аслинг қаби кўринил, ё кўринганинг қаби бўл", дея жуда ҳам чиройли тушунтирган.

Шу ўринда Муҳаммад (с.а.в.) нинг "Инсонларга аввалги пайғамбарлардан етиб келган ҳикматли лафзи — "Уялмасанг, билганингни қил", ҳадисини ҳаммамиз чуқурроқ ўйлашимиз лозим.

Бу фикрлар барча соқол қўйган ва хижоб ўраганлар ҳақида эмас. Аксинча, бу жиҳатларни сурати ва сийратига мос келмайдиган даражада, жамиятнинг ахлоқий, динимизнинг гўзал талабларини шу тахлитда, "тақлид қилиб" бузаётганлар учун атадик.

Сўнгсўз ўрнида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг "Яхшиликни чехралари очик, хушрўй одамлардан кутинглар", ҳадиси шарифини яна бир қарра илиндик.

Б.БОЙМУРОДОВ.

Ҳар биримиз такво қилар эканмиз, бунни ҳам суратда, ҳам сийратда гўзал бўлишлигига эътибор берсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Суратимиз-сийратимизнинг ташки кўриниши. Сийрат эса суратимизнинг ички гўзаллиги, ички моҳиятини акс эттиради. Шундай экан, биз жамият ва дин талабларини соқол ва хижобни такводорлик ҳисоблаб, белгиланган ахлоқий қоидаларни бузиб, ҳам суратга ҳам сийратга путур етказишимиздан кимга нима наф? Аксинча, дин ва жамият талабларини ҳимоя қилиб, барчаси-



УЧ ЭГИЗАК ДУНЁГА КЕЛДИ!..

Жорий йилнинг 4 январида Боёут тумани «Анорзор» маҳалласида яшовчи 27 ёшли Мафтуна Тошпўлатова бирварақайига 3 нафар (икки нафар қизалоқ, бир нафар ўғил) болани дунёга келтирган эди. Яқинда шундай бахт Гулистон шаҳридаги «Боғишамол» маҳалласида истиқомат қилаётган Робия ва Тўлқин Тўраевларга ҳам насиб этди. Улар бир йўла Мадина, Мустафо, Мубинанинг ота-онасига айланишди.

Вилоят перинатал маркази директори Ҳанифа Содикова, марказ доялари Юлдуз Укибаева, Светлана Мусабекова ёрдамида кесарча усулда, асоратсиз

ўтказилган туғруқ амалиёти натижасида соғ-саломат туғилган чақалоқлар ўн беш кун мобайнида марказ шифокорлари ва ҳамширалари назоратида бўлишди.

— Чақалоқларнинг саломатлиги яхши, — дейди Ҳ.Содиқова. — Уларга белгиланган тартибда тиббий хизмат ва меҳр кўрсатилди. Энди гўдақлар мунтазам равишда оила шифокори назоратида бўладилар.

Уч эгизак — Тўраевларнинг илк фарзандлари. Чақалоқларнинг яқинлари, айниқса, бобо ва бувилари Аллоҳнинг бу неъматидан роса



хурсанд бўлиб, набираларига узоқ умр, ризқ-насиба сўрашмоқда.

Ғулом ПРИМОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш
бошқармаси матбуот котиби.

Ҳар бир сўзнинг тарихи бор!



— Қозғистонда Ўзбекистон йили дея ўлон қилинди. Ўйлайманки, бу барчамиз орзуқиб кутган, аммо қутилмаганда рўй берган зоят ажойиб хушхабар бўлди...

— Бизлар қарийб ўттиз йил кўришмадик. Ўзувчиларни назарда тутаятман. Балки бундан ҳам кўпдир. Қайта қуриш хатто ўзаро муносабатларимизни қайта қурди. Авваллари бизлар тез-тез кўришар, бир-биримизникида меҳмонда бўлар эдик. Қозоқ ўзувчилари Тошкентга боришар, ўзбек ўзувчилари Олмаотага келишар эди. Бошқа жумхурият ижодкорлари билан ҳам шундай дўстона ва қизғин муносабатлар ўрнатилган эди. Афсуски, ҳозир ундай эмас. Биз хатто энг яқин дўстларимиз бўлган Одил Ёкубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Носир Фозиловларнинг бу дунёни қачон ташлаб кетганлигини билолмай қолдик. Биз уруғ-аймоқ, камму-қариндошлиги бир-бири билан чагириб кетган жонажон қўшниларики. Бу айрилиқ биз учун осон кечгани йўқ, ўйлайманки, айрилиқ азобини ўзбеклар ҳам тотиб кўришди. Биз бир-биримизга суянган халқлармик.

— Бизнинг қўшничилик алоқаларимизни янада ривожлантириш борасида ниямалар дея оласиз?

— Қўшничилик, Худо томонидан сизу-бизнинг пешонамизга абадул абад битилган қисмат. Биз Ер шаридида бир-биримиз билан чамбарчас туташиб кетган халқлармик. Биз бир-биримизга боғлиқ эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Биз юқорида иккита дарахтдай кўринсақда, пастдаги томирларимиз биттадир.

Мен бу гапни бугун эмас, 1979 йил Тошкентда бўлиб ўтган Оснэ ва Африка ўзувчилари Ассоциациясининг конференциясида сўзлаган нуткимда ҳам баён қилганман. Шундан буён бу фикримда собитман. Шундан буён бу фикрим тобора ривожланиб бормокда. Ўшанда Чингиз Айтматов ҳам менинг фикримни қўллаб-қувватлаган эди. Ер юзидида мутлақо мустақил давлат йўқ. Ҳамма

бир-бири билан боғланиб кетган. Бир-бири билан ҳамкор, бирининг иши бирисиз битмайди. Ўз қобиғига ўралиб олиб, биз ҳеч ким билан ишимиз йўқ. Ўзимиз хон, қўланкамиз майдон деганларга ишонманг, улар бор йўғи ўз чўнтақларини каппайтирмоқчи бўлган, халқ тақдирига бефарқ қарайдиган, мамлакатнинг барча бойлигини ўзлари ўзлаштирмоқчи бўлган муттаҳамлардир. Мустақиллик, дунё мамлакатлари билан тенгма-тенг қадам ташлаш, ҳамкор бўлиш, ҳамнафас яшамок деганидир.

— Қайси ўзбек ижодкорлари билан дўст эдингиз. Кимларни кўп эслайсиз?

— Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар билан калин дўст эдим. Ўзбек адабиётининг улкан намоёндалари, улғу адиб Шароф Рашидов, оташқалб инсон Одил Ёкубов, кўпни кўрган оксоқол Комил Яшинлар билан бир неча бор суҳбатда бўлганман, уларнинг донишмандона фикрларидан завқ олганман. Шунингдек, Ҳалима Худойбердиева, Носир Фозилов, Мирпўлат Мирзоларни яхши танир эдим. Ажойиб ўзувчи Меҳмонкул Исломоқуловни танийман. Яқинда Иссиққўлда исёнкор шоир Сирожиiddин Саййид билан бирга бўлдим.

— Ўзбекистонда сизнинг мухлисларингиз жуда кўп. Шеърларингизни ардоқлаб ўқишади. Газеталаримизда мақолаларингиз тез-тез босилиб туради. Лекин мана Ўзбекистонга бормоганингизга ҳам 34 йил бўлибди...

— Энди борамиз-да. Тошкентда бўлишни орзу қиламан. Ҳозир Ўзбекистон адабий мухитида улкан ўзгаришлар содир бўлаётганидан хабарим бор. Президент Шавкат Мирзиёев адабиётни севувчи инсон. Ўзувчилар уюшмасига улкан қашна қуриб берди, ўзувчилар хиббонини яратди, уйсиз ёш ижодкорларни уй билан таъминлади. Яқинда Қирғизистонда Чингиз Айтматовнинг 90 йиллиги муносабати билан телевидендада чиқиш қилганимда, Шавкат Мирзиёевнинг адабиёт вакиллари килаётган бу гамхўрликларини бар-

Олжас Умарович Сулаймонов 1936 йил 18 майда Олмаота шаҳрида туғилган. Қозғистон халқ шоири, Қозғистон Меҳнат Қаҳрамони. Бир қанча Фанлар Академиясининг Академиги. Ингушетиянинг “Хизматлари учун”, Озарбайжоннинг “Шуҳрат”, Россиянинг “Дўстлик”, Украинанинг “Донишманд князь Ярослав”, Франциянинг “Адабиёт ва санъат рицари”, Озарбайжоннинг “Дўстлик” орденлари, Япония Императори мукофоти, Евроосиё адабиёт фестивалининг олтин медаллари ва бошқа мукофотлар соҳибидир.

чага ибрат қилиб кўрсатдим. Ижодкорларга бундай гамхўрлик нақадар зарурлигини жуда яхши тушунам. Чунки, Улғубек Эсдавлатов ҳозир Қозғистон Ўзувчилар уюшмасининг Раиси бўлса, мен хали ҳамон бу уюшманинг Фахрий Раиси ҳисобланаман. Шеърларим Ўзбекистонда тез-тез чоп этилишдан мамнунман. Ҳар бир инсонга, ўз меҳнатининг самарасини кўриш завқидир. Ўзувчининг танилиши, ўқувчилари ўртасида обрў қозониши — бу унинг меҳнатларига берилган баҳодир. Агар, сенинг китобларингни ўқишса, ёзганларинг одамларда қизиқиш уйғотса, демак, бекор яшамаяпсан. Ўзувчининг ҳаёти, ўз ўқувчиси билангина кадр топади, ўқувчининг китобининг ўқияптими, демак, яшаяпсан, ўқувчининг сени кадрлаяптими, демак, сен, ҳурматлисан. Ўзувчининг ҳаёти, сўнги ўқувчиси тарқатган қуни, нихоясига етади. Бу ҳаммамизга тегишли гап. Шу маънода ёзганларим кадр топаётганидан мамнунман.

Биз барчамиз бундан ўттиз йиллар муқаддам расмий равишда мустақилликни қўлга киритдик, аммо мустақиллик дегани ўз қобиғига ўралашиб олиш дегани эмас. Қардош жумхуриятлар ҳаммаси мустақилликка эришгач, ўзларини бир-бирларидан хомия кила бошлашди. Россия Ўзбекистондан мустақил, Қирғизистон Қозғистондан мустақил бўлди-ю, бир-бирлари билан алоқаларини узиб қўйишди. Мустақилликни бошқа ўзганга буриб юборишди. Бундай мустақиллик билан ҳеч нарсига эришиб бўлмайди. Миллатлар бир қобиққа ўралиб олса, бундай миллатда ривожланиш ҳеч қачон рўй бермайди. Мустақиллик, мустақил равишда, онгли равишда, ихтиёрий равишда бошқа халқлар билан мустақил ҳамкорлик қилиш деганидир. Мустақиллик бутун дунёдан айрилиб якка ёлғиз, ҳеч ким билан алоқа қилмай яшаш дегани эмас. Аксинча, мустақил бўлиб барча билан тенгма-тенг равишда, онгли равишда, ақл-идроқ, тафаккур ва миллий ғурур, миллий анъаналар асосида бошқа миллатлар билан ҳамкорликка ва юксакликка интилишдир. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа туркий халқлар маданияти ҳеч қачон бир-биридан ажралмайдиган маданиятдир. Биз бугун мана шу сиёсатни олдинга суриш истагидамиз. Агар мамлакатимиз раҳбарлари ҳам мана шу сиёсат байроғи остида иш юритишса, халқларимизнинг дўстлигини, ҳамкорлигини кучайтирса, халқлар ўртасида тинчлик бўлади, ри-

вожланиш бўлади, тараққиёт бўлади, оламшумул ўзгаришлар юз беради.

— Пушкинда шундай мисралар бор: “Шоир бўлиш ёшларга хос.” Бу тушунчага қандай қарайсиз?

— Шарқда юз ёшгача ҳам шоир бўлавериш мумкин. Чунки, шарқда шеърят донишмандликка, ақл-идроқка, панд-насихатга, Оллоҳга мухаббатга асосланади. Фирдавсий, Навоий, Абайлар кексайиб қолганларида ҳам ижод қилишган. Аммо, шундай замонлар келдики, ҳамма фақат ёрга бўлган мухаббатини ёздирилган бўлиб қолди. Шу маънода: “Шоир бўлиш ёшларга хос”, деганида Пушкин мутлақо ҳақ эди. Бир сафар Москвага борганимда, Марказий адабиётчилар уйда, Павел Антакольскийнинг 70 йиллик юбилейи устига келиб қолдим. У минбарга чиқиб олиб севги ҳақида роса шеър ўқиди. Менга жуда эриш туюлди. 70 га кирган одам ўз ҳаёт тажрибалари ҳақида гапирмайдими, ёшлар билан кўрган-кечирганларини ўртоқлашмайдими, уларга панд-насихат қилмайдими, ёшларга зарур бўлган йўл-йўриқлардан гапирмайдими?! Доно фикрларни шеърга соймайдими? 70 га кирган одамнинг “севаман” деб турганини қандай изоҳлаш керак?! Мен ўша пайтлар айна қирқ ёшда эдим. Ўша кунги воқеадан кейин шеър ёзишни мутлақо ташлаб юбордим. Кейин фақат насрда ижод қилдим. Ёшлигимда бир ҳафтада битта дoston ёзладим. “Инсонга таъзим қил, Замин!” дostonим ҳам бор-йўғи бир ҳафтада ёзилган. Мен давр буюртмасини бажардим. Кейин Юрий Гагарин билан учрашдим. Кейин дунёнинг барча мамлакатлари минбарларида, Америкада, Кубада, Венесуэлада, Лондонда, Парижда ушбу дostonимни ёддан ўқий бошладим. Ёшликнинг шиддати, шижоати, исёнкорлиги умрингизни қолган давларида ҳеч қачон такрорланмайди. Худо ҳар бир инсонга кўкка учиши учун қанот берган, лекин кўпчилик бу қанотни офтобда тоблаб, бошқаларга кўз-кўз қилиб, қанотларига зеб бериб, умрини зое ўтқазиб юборади, аслида эса сизу-бизга учиш буюрилган, учиш, яъни меҳнат қилиш, қашфиётлар яратиш, жону-жаҳд билан маънавий юксакликларга кўтарилиш, кўтарилиш ва яна кўтарилиш буюрилган.

— Ҳозир Гагарин ҳақида гапирдингиз. Ёшлигимизда бу одам афсонавий қаҳрамон даражасида эди. Уни кўрган одамни кўриш ҳам бахт.

— Ҳамма Гагаринни кўришга, у билан суҳбатлашишга интиларди. У Ўзбекистонда ҳам бир неча бор бўлган. Менимча, Ботир Зокировни танир эди. Мен, 1967 йилгача у билан икки марта кўришганман. 1967 йил, машҳур ўзувчи, Нобель мукофоти совриндори Михаил Шолохов бизларни ва яна бир қанча чет эллик таниқли ўзувчиларни Вешенскаяга, Дон бўйига таклиф этди. Суҳбат, ўйин қўлгу жуда қизиди. Балиқ туддик. Валейбол ўйнадик. Соҳилнинг саёз жойида чўмилдик. Ёдимда қолгани, Юра кирғоқда, ялангоёқ юғуриб юрганида, шиша кириб, товони кесилиб кетди. Оёғини ювганида, қип-қизил қон, сувда анча вақт жимирлаб турди. Саккиз ойдан сўнг эса уни ҳалокатга учраганини эшитдик.

— Наҳотки, ҳозир шеър ёзмаётган бўлсангиз?

— Ҳа, ёзмаяпман. Лекин ижодим давом этаяпти. Сўз ҳақида, инсониятнинг тили ҳақида, инсониятга берилган Қаломнинг тақдири, тарихи ва босиб ўтган йўли, битиклар, ёзуқлар ҳақида ёзмоқдам. Менинг тақдиримга Сўзнинг ортидан қувиш битилган экан, бу аччиқ қисматдан юз ўғирганим йўқ. Қайтага, бу менга завқ беради, ҳаётимга маъно олиб келмокда. Маъно деганда асло даромад олиб келаяпти деб тушунмаслик керак. Бугун, ўзувчиликдан даромад кўриш учун қунига бешта дедектив асар ёзиш керак. Бу эса мени қўлимдан келмайди, келишини истайман ҳам. Биз, ижод аҳли бош хомиймиз, давлат биздан юз ўғиргач, биз ҳам давлатдан юз ўғирган эдик. Аммо, афсуски узокка бораолмадик. Қозғистонда бир пайтлар ҳар йили олти юз ўзувчининг китоби нашр этилар эди, улардан элликтаси ўқиларди, беш олтитасининг китоби ҳақиқий дурдона асар эди. Бу дурдона асарлар беш фоизнигина ташкил этар эди, аммо қолган олти юз ўзувчининг китоби бўлмаса, бу беш фоиз китоб дунёга келмаган бўлар эди. Мен, давлат адабиётни ўз хомийлигига олиши кераклиги тарафдориман. Бошқа йўлни кўрмайман. Адабиёт халқники, халқ ҳукуматники, ҳукумат эса осмондан тушиб қолгани йўқ, шу халқнинг бир бўлагидир. Менинг шеър ёзишимга тўхталадиган бўлсак, менинг жамоатчиликда қиладиган ишларим, ташаббусларим, ғояларим, нутқларим, бу менинг шакли, қиёфаси ўзгарган шеърларимдир. ЮНЕСКОдаги ишларим ҳам, бу менинг шеърларим, ижодим маҳсуллари. Шоир, ўз туйғуларини, фикрларини фақат шеър шаклида эмас, лойихалар, дастурлар орқали ҳам баён этиши мумкин. Шахсан мен, амалга оширилган жуда кўп эзгу ютуқларимни, ёзилган гўзал шеърларим деб ҳисоблайман.

— Сизни жуда кўп ёшлар севади, сизга тақдид қилади,

сизга интилади. Уларга қандай насихатлар бера оласиз?

— Инсон ўз миллатининг кичик кўринишидир. Атрофимиздаги одамлар бизга баҳо берганда, ҳар биримизга қараб баҳо берганда, улар бизгагина эмас, миллатимизга ҳам баҳо бераётган бўладилар. Агар сен ҳурмат қозонсанг, сенинг миллатинг ҳам ҳурмат ва эҳтиром қозонади, сенга қараб, сенинг миллатингни ҳам улуғлайдилар. Ўз миллатингни улуғламоқчи бўлсанг, аввало ўзинг улуғ бўлиш қондасига амал қил. Буни миллат раҳбарлари ҳам билиши керак: Биз иқтидорларни етиштириб эканмиз, уларнинг эзгу ишларига йўл очар эканмиз, бурчак бурчакдаги жохиллик ва аламзадаллик ўз ўзидан камаяверади. Биз буюк инсонларнинг фарзандларимиз дейишнинг ўзи билангина инсон буюк бўлиб қолмайди. Буюк миллатнинг фарзанди бўлиш учун инсоннинг ўзи буюк бўлишга интилиши керак. Ёшларга берадиган насихатим, ҳар биримиз, ўз миллатимизнинг кичкина кўринишимиз, буни унуттишга ҳеч қачон ҳаққимиз йўқ.

— Барча мушкулотларга қарамай, пешонасига ёзувчи бўлиш тақдири билан, бу заҳматли юмушдан қўз юммай мардоновор қадам ташлаб бораётган ижодкорларимиз ҳам бир талай. Улар албатта Сиздай буюк шоирнинг тасаллисига муҳтожлар. Уларнинг шаънига бир икки оғиз илиқ сўз айтсангиз, барчамизнинг кўнглимиз кўтарилган бўлар эди...

— Албатта, уларни қўлаб қувватлайман. Олим бўлиш, ёзувчи бўлиш, шифокор бўлиш шарафли касб. Инсоният ҳаммаша тараққиётга интилиши керак. Тараққиёт калити эса зиёлиларнинг қўлида. Афсуски, ҳозир кўпчилик ўртақчилик билан, даллоллик билан, олди сотди билан, чайқовчилик билан, алдам қалдам билан, банк билан, биржа билан, талон тарож билан шуғулланаяпти. Бу нарсалар инсониятни буюк келажак сари, юксак истиқбол сари бошлаб бормайди. Инсон буюк ихтиролар кашф этиши лозим. Инсон инсониятнинг мушкуллини енгил қилиш орзусида яшаши лозим. Шоирлар инсониятнинг мана шундай фарзандларидир.

— Юқорда Абай Қўноб-боев ҳақида гапирдингиз. Яқинда Ўзбекистонда буюк оқин Абайнинг юбилейи бўлиб ўтди...

— Кеча, эски қадрдоним билан кўришиб қолдик. У ҳозир Англия университетиди ўқитувчи. Гап орасида “Абай ҳақиқатан ҳам даҳо экан”, деб қолди. Мен :” Нега бирдан бу фикрга келиб қолдинг, аввал билмасмидинг” деб сўрадим. “Аввал ҳам билардим, лекин энди иқрор бўлдим,” дейди у. Мана шундай, авлодлар алмашган сари Абайнинг буюклиги яққол кўзга ташланаверади. Абай ўз даврида нимани ёзган бўлса, ўша муаммолар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Аксинча кескинроқ бўлиб ўртага чиқаяпти. У ўтмишни қаламга олиб, аслида келажак ҳақида ёзган экан. У 20 асрда ўз халқини қатта ҳалокат қутқатганлигини билганди. 1926

йил аҳоли рўйхатга олинганда, фуқаролар урушидан кейин 6 миллион 200 минг козок бор эди. Кейин очарчилик даври бошланди, ўттизинчи йилларда бу очарчиликдан 2 ярим миллион козокгина омон қолди. Бу ерда айб козокларнинг ўзида. Абай ўша пайтдаёқ ўзбеклардан богдорчиликни, деҳқончиликни, сабзавот экишни ўрганишлар деб огоҳлантирганди. Айнан мана шу касб -ҳунар ўзбекларни очарчиликдан



омон саклаб қолди. Қозоклар чорвага, қўй ва йилқиларга ишонган эди. Сталин қўй ва йилқиларнинг ҳаммасини тортиб олди, чет элдан завод ва фабрикаларга асбоб-ускуна олиш учун гўштга айрибошладди. Украинадан донни тортиб олди. Натيجада 5 миллион украиналик, уч миллиондан ортиқ қозогистонлик очнаҳор ўлиб кетди. Ер билан ишлашни билгани, бог-рог, экин тикин ишларини яхши ўзлаштиргани учун ўзбеклар бу ҳалокатлардан омон қолди. Абай буларни барини олдиндан кўра билган, козокларга қарага: “Сиз, ўзбеклардан бог-рог яратишни, сабзавот экишни, дон-дун экишни ўрганишлар”, дея васият қолдирганди. Аммо, козоклар танқидни тўғри қабул қилмади. Танқидни, ҳақорат деб қабул қилди. Танқид, худди Абай айтгандай бўлиши керак. Афсуски, бизда ҳозир ҳам тўғри танқидни тушунайдиганлар бор. Адабий танқидни, мадҳиябозликка, ёки бировни ерга уриш қуролига айлантириб юборишди. Адабий танқиддан фақат ўз манфаатлари йўлидагина фойдаланишмоқда. Зеро, танқид мадҳ этишдан, ёки ёмон кўрган одамимиздан ўч олишдан иборат бўлмаслиги керак, танқид бизни тарбияловчи кучга эга бўлиши керак. Танқид бизга тўғри йўлни кўрсатаолувчи кучга эга бўлиши керак. Танқид, асарнинг моҳиятини, мағзини тўғри очиб бериши керак. Бу ўқувчи ҳам, ёзувчи ҳам фойдалидир. Баъзида ўқувчилар, асарни ўқиб ҳам нима ҳақида эканлигини кашф этолмайдилар. Ҳатто, баъзида ёзувчи ҳам ўз ёзган асарини кашф этолмайдиган ҳолатлар бўлади. Чунки, ёзувчи баъзида илоҳий илҳом, ёрдамга келган бўлади. Ҳақиқий танқидчи, мана шу пайтда кашфиётчига айланса, танқидчининг бу асари жамият учун, маданият учун қони фойдадир.

— Адабиётимизда Айтматов, Сулаймонов, Орипов сингари буюклар яна пайдо бўладими, ёки уларни замон кўтарган эдимиз, нима деб ўйлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам уларни давр кўтарган эди. Бир пайтлар биз китоб ўқиш бўйича биринчи ўринда эдик. Ҳозир, Россия ҳам, Қозогистон ҳам энг охириги ўринда турибди. Энди машҳур ёзувчиларнинг пайдо бўлиши ўта мушкул.

лар оёққа қалқарди. Шоир ва ёзувчилар, халқлар, мамлакатлар, миллатлар орасидаги элчи мақомида эди...

— Ҳа, шундай эди. Чунки, ёзувчини давлатнинг ўзи ардоқларди ва кўкка кўтарарди. Раҳбарлар эъзозлагач, одамлар ҳам эҳтиром кўрсатар эди. Давлат бадий адабиётнинг шайдоси эди, халқ эса буюк китобхон даражасига кўтарилганди. Яна бир бор таъкидлайман, биз дунёдаги энг кўп китоб ўқий-

диган мамлакатлар эдик. Китобларимиз юз минг, икки юз минг, уч юз минг нусхада чоп этилар эди. Ҳозир-чи, ҳозир бор йўғи минг ё беш юз дона чоп этилади. Бу жуда ачинарли ва кулгули.

90-йилларда беш юз бетлик “Сайланма” асарларим тўплами икки юз минг нусхада чоп этилди. Китоб тезда ўқувчилар қўлига етиб борди. Китоб етказиб бериш тизими шиддат билан ишлар эди. Ҳозир эса бундай тизим қаёққа йўқолганини минг изласанг ҳам топаолмайсан. Давлат ёзувчини ўша пайтда шундай қўлаб қувватлар эди. Китобнинг тақдирини бозорга топширишди-ю, бирагўла бўғиб ўлдириб қўй қолди. Китоб ҳарқандай тараққиётнинг пойдевори, асосчиси эканлигини унуттишди. Китобни ўлдиришди, маданиятни, маънавиятни ўлдиришганини эсга олишмади. Буларни ҳаммасини кўтариб турган нарсаси китоб эканлигини ҳали ҳануз эсга олишгани йўқ. Китоб албатта давлат ҳимоясида бўлмоғи лозим. Инсон маънавияти ҳечқачон бозорга ташланмаслиги керак.

— Сизнинг китобларингизни Россияда ҳозир ҳам чоп этишмаяптими?

— 90 – йилларда қайсидир китобимни чоп этишди ва шу билан ҳаммаси тугади. Лекин бундан афсусланмайман. Қозогистондаги шон шухратим менга етиб ортади. Бир пайтлар Москвада 75 тийин турадиган “Аз и Я” китобим минг сўмдан сотилган эди. У пайтда минг сўмга Олмаотада икки хонали уй берар эди. Китоб ўқишга иштиёқ шу даражада баланд эди. Мен ўша пайтлар ўзимни ҳақиқий ёзувчи ҳисоблар эдим. Ўз касбим орқали рўзгоримни тебратга олар эдим. Кейинги 25 йил ичида бирор марта, бирор нашриётдан, бирор газета ё журналдан қалам ҳақи олганим йўқ. Нафақат мен, балки бошқа шоир ё ёзувчилар ҳам олишгани йўқ. Бу нима, бу

шоир ёзувчилар устидан ўқилган ўлим ҳукми эмасми? Бу шоир ва ёзувчиларнинг жамиятдан ташқарига бадарга қилиниши учун чиқарилган фармон эмасми? Мен ўз касбим орқали рўзгоримни тебратга олмасам демак мен кимман, ношудман, хотини, болалари олдида бош кўтариб юра олмайдиган, субўти йўқ ношудман, холос.

— Наҳотки шунчалик машҳур бўлсангиз ҳам, сизга қалам ҳақи тўлашмас?

— Мен ўзимни назарда тутганим йўқ. Мен элчи сифатида яхши маош оламан. Лекин 25 йилдан буён адабиётимизга янги номлар кириб келди. Янги шоир ва ёзувчилар қалам тебратишяпти. Бугун Қозогистон Ёзувчилар уюшмасининг 700 аъзоси бор. Уларнинг пешонасига ёзувчилик тақдири битилган. Бечоралар ёзишади, ёзишади, китоб ҳолида чиқаришга уринишади, қаердандир ҳомий топиб мингта ё беш юзта ё юз дона чоп этишади, кейин дўконма-дўкон юриб харидор излашади, мактаб ё коллежларда кимдир сотиб олармикин деб сарғайиб туришади... Бу нима бу, бу ижодкор пешонасига урилган ҳақорат тамғаси эмасми? Бу ҳолат Россияда ҳам бор, бу ҳолат Арманистонда ҳам бор, Ўзбекистонда ҳам шундай. Тезкорлик билан китоб нашр этишни, китоб тарқатишни йўлга қўйиш керак. Китоб ҳалокат ёқасида эмас, жамият ҳалокат ёқасидадир, жамиятни қутқариш учун аввало Китобни қутқариш керак.

— Ҳукумат раҳбарлари буларни билмайдилар, деб ўйлайсизми?

— Қадим қадимдан айтилган гап тўғри гап: “Бола йиғламаса, она кўкрагидан сут бермайди”. Ҳукуматга, китобни тарғиб қилувчи, инсонларни китобга жалб қилувчи, китобга қайтарувчи лойиҳани ишлаб бериш керак. Буни айнан Ёзувчилар уюшмасининг ўзи ишлаб чиқиши керак. Чунки бу огрикни, бу азобни Ёзувчилар уюшмасидан ортиқроқ биладиган, ўз бошидан кечирган бошқа ташкилот йўқ. Шу маънода ҳамма ёзувчиларнинг тили бир бўлиши, бир ёкадан бош чиқариши керак.

Ёзувчилар ахволини ўнглайдиган дастур ишлаб чиқарилиб ҳукумат раҳбарларининг олдида қўйилса, иш силжишга умид бор. Бу биргина ёзувчининг дарди эмас. Бу миллатнинг дарди, бу халқнинг дарди. Китоб – тараққиёт бешигидир. Китоб жонланса, кино жонланади, театр жонланади, сиёсат жонланади, иқтисод жонланади. Жамиятга жон қиради. Буни лойиҳада асослаб бериш керак. Умид қиламанки, давлатимиз раҳбарлари ҳам эзгулик тарафидилар, умид қиламанки, улар мукамал дастурни қўлаб-қувватлайдилар. Аниқ қиламанки, адабиёт ҳар қандай тараққиётнинг онасидир. Шекспир ижод қилган, Шекспир асарлари ўқилган, Шекспир асарлари тарбиялаган миллатдангина Ньютон, Адам Смитлар туғилади, фан тараққиёти юзага келади.

(Давоми келгуси сонда.)

Муҳаммад ИСМОИЛ

Таваккал домла қирқ йил олийгоҳ тупрогини ялади. “Ўзбек шеъриятида маймун образи” мавзусидаги номзодлик диссертациясини яримлатиб қўйганида дафъатан устози қазо қилди. Кафедрадошлари янги илмий раҳбар топиб, ишни давом эттиришни маслаҳат беришди. Бироқ устозига каттик боғланиб қолган экан номзодлик диссертациясини якунлашга ҳафсала қилмади. Йиққан материаллари папкаларда чанг босганча қолаверди.

Домлани факультетда барча “маймуншунос” деб атарди. Нафсиламрини айтганда, бу лақаб Таваккал домлага ёкарди. Талабаларга ўзбек шеъриятидан махсус курс ўтганида айникса, илҳоми жўш уриб кетарди. Гўё шеъриятнинг асосий тасвир объекти маймунлардан иборатдек, Гулханийдан тортиб Абдулла Орифгача яратган образларини таҳлил қилишга тушиб кетарди. Домла янги курсга илкнчи марта дарсга кирганида талабаларни сабоққа жалб этиш мақсадида маърузасини шеър билан бошларди.

*Охир ўйлаб маймун топди
шундоқ нақлни:*

Инсонларнинг орасида

Дарвин ақлли.

Топиб қўринг. Улуг олим бизни

алдаган,

*Гулханий ҳам, Крилов ҳам
биздан тарқанган.*

Шеър ўқиш асно домла инсониятнинг барча буюклари маймундан тарқанган, қабилда талабаларга сирли назар ташлаб қўярди.

Баъзи китмир талабалар сабоқ пайти: — Домла, маймунларга қачон меҳрингиз тушган? — дея савол берганида Таваккал муаллимнинг гап халтаси очилиб кетарди. Одам зоти олтмишдан ошгандан кейин эзмалик хасталигига учрайди. Айникса, у бир умр ўқитувчилик билан шуғулланган бўлса. Таваккал домла дарс бир чеккада қолиб, беғубор болалик йилларини эслаб кетарди. Бундай пайтда талабалар қўлларига дам беришарди. Чунки домланинг қатъий принципи бор эди: билим олмақчи бўлган талаба албатта, маъруза ўқиётган ўқитувчининг сўзларини окизмай-томизмай дафтарига ёзиб бориши керак эди. Сессия пайти домла консект дафтери тўқис талабага айтган баҳосини қўйиб берарди.

Индаллосини айтганда, домла ўсган оилада диний қадриятлар устувор эди. Отаси мулла Умар исломдан чуқур ҳабардор бўлмаса-да, бўш қолдими, “Бобо Равшан”, “Дурриль мажолис”, “Девони хикмат” каби китобларни ўқиб турарди. Таваккалнинг ақл тиши ҳам мана шу асарларни эшитиб чиққан эди. У 13 ёшга тўлганида отаси Тошкентга, зоопаркка олиб борди. Қафаслардаги жониворларни томоша қилиб бораётиб беихтиёр маймунлар рўбарўсида тўхтаб қолди. Ўзим энг кўп томошабин шу жонзотлар солинган темир қафаслар ёнига тўпланган эди-да.

— Дўстларингни танидингми, Таваккал? — деди отаси кулганича маймунларга ишорат қилиб. — Сен ҳам маймун йилида туғилгансан. Шўх-шалайимлигинг мана шу жонзотга ўхшаб кетади.

Таваккал қафасга ўрнатилган сунъий дарахнинг у шохидан бу шоҳига тинмай сакраётган маймунларга ажиб бир қизиқиш билан қаради. Болақайлардан кимдир қўлидаги олмасини кўрсатиб,

маймун билан баҳам қўрмай ўзи гарчиллатиб ея бошлаган эди, маймуннинг жаҳли чиқди. Шарт тескари ўтирилди-да, уят жойини намойиш қилганча барчанинг ичагини узди.

Шу куни Таваккал дунёда маймун деган жонзот борлигини юзма-юз туриб ўз кўзлари билан кўрди. Унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, баъзи қилиқлари ўзиникига ўхшаб кетишига ишонч ҳосил қилиб зимдан қулиб қўйди. Юқори синфларга кўчганида зоология фанидан



МАЙМУН ЙИЛИ

• Ҳикоя

сабоқ берган домласи Қўчкор Тўқлиев Таваккалнинг онгига маймунларнинг одам зотиға яқинлигини кўроғишдай қўйди. Домланинг:

— Маймунлар меҳнат туфайли одамларга айланишган! — деган гаплари аввалига унга эриш туюлди.

— Ундай бўлса, нега маймунлар ҳозир инсонга айланишмаяпти? — дея домласига савол ташлади.

Қўчкор Тўқлиев гапни узоқдан айлантириб келиб, Таваккалнинг саволига тайинли жавоб беролмай пешнасиға тер тепчида.

— Бу менинг гапим эмас, Дарвиннинг таълимоти. Менга ишонмасанг, Дарвинга ишонарсан, — дея ўртага учинчи одамни қўшди.

Шу куни кечгача Таваккалнинг қалласида зоология ўқитувчисининг гапи айланиб юрди. Кечки овқат пайти отасидан домласининг гапга изох сўради.

— Номатқулнинг нони ебди шу домланг. Балки ўзи маймундан тарқанган бўлса, тарқангандир. Иншооллоҳ, бизларни Яратган эгам тупроқдан бунёд этган. Ҳазрат Одам ато ва момо Ҳавонинг зурёдларимиз - дея бир ривоятни сўзлай кетди. Оллоҳ таоло Одамни яратаман, деб хитоб қилганида барча нарсалар бош қўтариб:

— Одамни биздан яратгил! — деб тама килдилар.

Тог айтди:

— Мен — виқорлиман!

Денгиз айтди:

— Мен — улугман!

Осмон айтди:

— Мен — юксакман!

Шу тарика барча нарсалар ўзларини улугладилар. Ер эса тавозеъ билан:

— Мен ҳаммадан заифман, оёқ ости-

даман, мактангулик нарсам йўқ, — деб камтарлик қилганида хитоб келдики:

— Мен Одамни тупроқдан яратурман! — деб.

Одамни тупроқдан яратди.

Таваккал ўрта мактабни тугаллаш арафасида қайси касбнинг бошини тутсам экан, дея бироз иккиланди. Азбарои маймунларга муҳаббати қучли бўлганлиги боис зоолог бўлишни кўнглига тугиб қўйган эди. Бироқ домласи Қўчкор Тўқлиевнинг сабоқларидан қўп нарса ололмаганини англаб филолог бўлишга бел боғлади. Тўғри-да, мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ мактаб деворий газетасида ҳам эълон қилинганди. Айникса, Гулханийнинг “Маймун билан нажжор” масалидан илҳомланиб ёзган “Ношуд маймун” шеъри мактабда яхши маънода шов-шув бўлганди. Нафис адабиёт муаллими Баракатиллоҳ Сабрий:

— Сендан умидим катта. Ҳаракат қилсанг, замонамизнинг Гулханийси бўлишга қучинг етади, — дея унга далда берганди.

Таваккал олийгоҳга ўқишга киргач, илҳом парилари йўқламай қўйди. Ўзи-ям сабоқларга берилиб, шеър ёзиш-

га анчайин вақт ажратолмай қолди. Институтда ҳам шоирларнинг обрўси яхши эди. Ўзбек мумтоз адабиётидан сабоқ берадиган Ражабий домла дарсга кирган захоти ораларингда шеър ёзди-ганлар борми, дея сўроқлади. Аудитори-ядан сас-садо чиқмади. Шунда Таваккал хоҳламайгина қўлини кўтарди.

— Ўзингни таништир, болам!

— Таваккал Маҳмудов.

— Сен энди бугундан бошлаб Таваккал Маҳмудий тахаллуси остида ижод қилишинг керак. —ов,-евлар шоирларга ярашмайди. Абдулла Қодирий, Усмон Носирий, Ҳабибий... Таваккал Маҳмудий! Қандай жаранглаяпти? Қани, ижод намуналарингдан ўқи-чи?

Таваккал бир неча масалларини ёддан ўқиди.

— Тузук. Ўзбек адабиётига ўзи масалчилар етишмаётган эди. Гулханийдан кейин Ямин Қурбон, Мухтор Худойқул деган масалчилар баҳоли қудрат ижод қилишди. Энди улар сафида Таваккал Маҳмудий деган янги ном пайдо бўлса, барчамиз дўппимизни осмонга отардик.

Таваккал Маҳмудийдан масалчи шоир чиқмаган бўлса-да, азбаройи масал ва маймунларга муҳаббат туфайли Ражабий домла раҳбарлигида талабаларнинг илмий конференциясига “Ўзбек мумтоз адабиётда маймун образининг тадрижи” мавзусида маъруза тайёрлади. Гулханий, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Авлоний масалларидаги Маймун образини қиёсий таҳлил қилди. Кейинчалик бу ишини кенгайтириб, диплом ишига айлантирди.

— Мавзу устида бир оз тер тўксангиз, номзодлик ишингиз тайёр бўлиб турибди-да, мулла Таваккал Маҳмудий, — дея руҳлантирди Ражабий домла.

Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатган Таваккал Маҳмудийни “Ўзбек адабиёти” кафедрасида ишга олиб қолишди. Ёш ходим бел боғлаб илмий тадқиқотга киришиб кетди. Орада аспирантура таълимини ҳам ўтаб қайтди. Илмий иши мавзусига доир материалларни йиғайтган чоғида маймун образи ўзбек адабиётда кенг қўлланилганига яна бир қарра амин бўлди. Уларни мазмун-моҳиятига қараб таснифлаб чиқди. Ишлари юришиб, диссертация яримлаб қолганда домласи вафот этиб қолди. Катта олимлардан бир-иккитасининг ҳузурига бориб этагини туттишга чоғланди.

— Маймун билан узоққа боролмайсиз. Мавзунгиз сийқаси чиққан мавзу! — дея Таваккал Маҳмудни кўкрагидан итаришди.

— Сизларни Гулханийнинг арвоҳи урсин! — Ноилоҳ қолган Таваккал домла ичида калондимок олимларни яниди.

Бундай дўппини олиб ўйлаб қараганда, Таваккал домлада ҳам айб бор. Ўша олимлар:

— Диссертациянгизни эпаккага келтирса бўлади-ку, бироқ бироз харажат қилишингизга тўғри келади, — деган гапларига унча тушунмади.

— Сиз қанақа масалчисиз, рамзий гапларнинг тағига етишингиз керак эди, — дея ҳамкасблари Таваккал Маҳмудийнинг устидан қилишди.

— Мен олим бўлсам ўз қучим билан бўламан. Илмга ҳаром-харишни аралаштирмайман! —дея қатъий жавоб қилди домла.

Мана шу воқеаларнинг содир бўлганига ҳам ўттиз беш йил вақт ўтибди. Катта ўқитувчи Таваккал Маҳмудий ҳамон талабаларга ўзбек мумтоз адабиётидан махсус курс бўйича лекциялар ўқийди. Айникса, ўзбек мумтоз адабиётда маймун образи яратилган барча асарларни ёд билади. Талабаларга ҳар гал яратилган парчаларни ўқиб бераркан, уларни одоб-ахлоқли бўлишга чорлайди. Бўш пайтларида ўзи учун масаллар ёзиб қўяди.

Бу йил Таваккал домла роппа-роса беш мучални яшаб қўйибди. Бу олти йил деган сўз. Олийгоҳ жамоаси унинг таълим-тарбияга қўшган хиссасини ҳисобга олиб мўъжазгина дастурхон ёзиб, эгнига тўн ёпди. Таваккал Маҳмудий эса юрагига армон бўлиб келаётган ишни амалга оширишга жазм этди. “Зиё” нашриётида унинг узоқ йиллар мобайнида дафтарлари қатида тўпланиб қолган масалларини “Маймуннома” номи билан нашрдан чиқарди. Ҳамкасблари китобни қўздан кегиришаркан:

— Э, яшанг, Таваккал домла! Гулханийдан кейин масалчи шоир сифатида ўзбек адабиётда сиз қоласиз! — дея хазил қилишганида:

— Мучалимдан миннатдорман. Ҳаётда ўз йўлимни топиб олишимда масаллардаги маймунлар менга катта ёрдам берди. Баъзи кишилар одамдан маймунга айланишаётган бир пайтда мен инсонийлигимни йўқотмадим. Бунинг учун адабиётга, масаллар битган адибларга раҳматлар айтаман. Зеро, мумтоз адабиёт, панд-насихат демакдир, - деганча “Маймун билан нажжор” масалини ёд ўқий кетди.

Мухаммадали АХМАД.

Ўзимиз учун қачон ўқиймиз?

Таксида кетаяпман. Ёнимда бошқа йўловчилар ҳам бор. Ногаҳон уяли телефоним жиринглаб қолди. Қарасам, ҳоким ёрдамчиси.

— Ассалому алайкум!

— Яхшимисан?!

— Яхши, раҳмат.

— Ёрданинг керак зудлик билан!

— Майли, фақат беш дақиқадан кейин.

— Йўқ, унча кута олмайман. Ҳозир бу жуда зарур!

— Мен эса ёнимдаги одамлар олдида хижолат

чеккан ҳолда — майли эшитаман, — дедим.

— Абдулла Авлонийнинг “Тарбия — ҳаётми” — бир бало фикри бор-ку, шунингга айтиб юбор, ҳоким сўрапти, — дейди.

— Ёнимдаги йўловчиларнинг олдида ноқулай бўлдим-да “СМС қилиб ёзиб юбораман”, — дедим.

Йўлда давом этапман-у, ўйланаман. Тушунмадим, олий маълумотли мутахассис, қарийб ўттиз йиллик иш стажига эга инсон наҳотки мавжуд таълим даргоҳларининг барчасида катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган машҳур пурхикматни билмасан?



Мулоҳаза

Фақат ҳоким учун эмас, ўзимиз учун ҳам ўқийлик ахир?!

Баҳром БОЙМУРОДОВ.

Таълим

Мактабимиз нафакат туман ва вилоятда, балки республикада ҳам ўз ўрнига эга таълим масканларидан саналади. Унинг тамал тошини Миразим ота Юлдашев қўйганлар. Бу инсон юксак маданиятли, шу билан бирга, ўта талабчан, қаттиққўл, қўл остидаги ҳар бир ходимни тушунувчи раҳбар эдилар. Миразим ота мазкур жамоада 60 йилдан ортиқ фидокорона меҳнат қилдилар. Шогирдларидан педагогика фанлари номзоди Шавкат Мамаражабов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Хусниддин Раҳмонов, тиббиёт фанлари номзоди Дилором Ғойипова, техника фанлари доктори, профессор Ҳаким Мурадов, филология фанлари номзоди Зухра Норбекова, техника фанлари номзоди Олимжон Аҳмедовлар шулар жумласидандир.

Миразим ота таълим-тарбия билан бирга спортга ҳам жуда катта эътибор берар эдилар. Ўша пайтларда анъанага айланган мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларида ўқувчиларимиздан С.Миролимов, Ҳ.Абдурахмонов, У.Файзиев, А.Элмуродовлар иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашди. 2014-2019 йилларда Жавоҳир Нориев ва Жасур Шокировлар баландликка сакраш ҳамда югуриш

бўйича Ўзбекистон чемпионатларида голибликни қўлга киритиб, грант асосида ГулДУ талабаларига айландилар.

Мана шу йилларда ўқувчиларимиз туман, вилоят ва республика фан олимпиадаларида мунтазам фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритдилар. Тарих фанидан Б.Ҳасанов, М.Маҳмудов,

инглиз тили фанидан Н. Султонова, Г.Султонова, биология фанидан Р.Иноятлова, М.Мамарасуллова, география фанидан Г.Қосимова, Ғ.Зиёдов, физика фанидан С.Саидхамидов, математика фани бўйича Н.Умаров, рус тили фанидан А. Зокирова, она тили ва адабиёт фанларидан Л.Соатова, Х.Хусанова, К.Тулиева каби ўқувчилар фахрли ўринларни эгаллаб, ўзларининг билим ҳамда иқтидорларини намойён этдилар.

Халқ маорифи аълочили, академик устоз Миразим ота шу йиллар давомида ҳамкасб, елкадош, фидоий ва заҳматкаш устозларни етиштирдилар. Бу-



60 йил мактабда ишлаган инсон

лардан Х.Маманова, М.Рустамова, М.Юнусова, Ў.Жўрақулова, Д.Нориева, М.Авазова, Н.Ўринбоева, Д.Эрбачаева, Х.Ҳайдароваларни алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Албатта, бу устозлар изланувчан, илгор педагогик тажрибаларини ўз ҳамкасб ва шогирдларига улашиб боровчи маҳоратли педагоглардир. Шундай истеъдодли шогирдлардан бири Алишер Соатовдир. От изини той босар деганларидек, Алишер шу мактабнинг ўқувчиси ҳисобланади. 2020 йил октябрь ойида устози Миразим

отанинг ўрнига мактаб директори этиб тайинланди. Алишер ўзининг хушмуомалалиги ва талабчанлиги билан жамоа ўртасида ҳурмат қозона бошлади. Тез орада информатика ва география хонасини замонавий моддий-техника ўқув жихозлари билан таъминланишида бош-кош бўлди. Мактабда туман

кутубхонаси базасини ташкил этди, бадий адабиётлар билан бойитди. Инглиз тили фани ўқитувчиси Зебо Қорақулова 2021 йил августда Тошкентда ўтказилган республика танловида 3-ўринни эгаллаб, диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган танловида ҳам муваффақиятли қатнашиб, 2021 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида АҚШда тажриба алмашув курсида иштирок этишга муваффақ бўлди.

Мактабимиз инглиз тили фани ўқитувчилари 2022 йил

март ойида ўтказилган “Энг яхши хорижий тил мактаби” номли танловда иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади ва 100 миллион сўм пул мукофоти-га сазовор бўлди. Ушбу танловда фаол иштирок этган инглиз тили фани ўқитувчилари Назарова, Газиҳаджаева, Раҳмонова, Абдуразақова, Абдурашидова ва уларнинг 5 нафар ўқувчиси 5 миллион сўмдан пул ютуғи билан тақдирландилар. Мазкур фан ўқитувчилари М.Назарова ва З.Газиҳаджаевалар С1 сертификатига эга чикиб, олий тоифани қўлга киритишди. Шунингдек, рус тили фани ўқитувчилари М.Нуралиева ҳамда Ф.Қурбоновалар ҳам С1 сертификатини қўлга киритиб, 50 фоизлик устама билан сийландилар.

Бундай муваффақиятлар замирида мактабимиз ўқитувчиларининг катта меҳнати, билим ва юксак интеллектуал салоҳияти, тажриба ва изланишлари ётибди, албатта. Буларнинг барчасида мактабимиз раҳбари Алишер Соатов ва унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари Нигора Инатова ҳамда Алишер Келдиевларнинг салмоқли ҳиссалари бор.

Маргуба НАРИЕВА,
Сирдарё туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби биология фани ўқитувчиси.

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса
бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлалмас
устун
Абу Абдуллох Рудакий.

Жорий йил май ойининг охирида (28 кун) ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетини тамомлаган санамизимизнинг 45 йиллигини нишонлаш учун курсдошлар (16 киши) кадрдон олийгоҳнинг бош корпуси (биноси олдида) тўпландик.

Метронинг “Беруний” бекатига тушиб, (дарвоқе, биз таҳсил олган кезлари Тошкент метрополитени ҳали қурилмаган эди. Биз ўқишни битирган йили, яъни 1977 йил кузда ишга тушганди) манзилга яқинлашар эканман, юрагим гуп-гуп ура бошлади. Таниш кўчалар, йўлаклардан юриб, 45-50 йил ортга қайтгандек бўлдим. Мен пойтахтга тез-тез бориб турсам-да, у томонларга кўп йиллардан бери йўлим тушмаганди. Бу кадрдон манзил жуда ўзгариб кетган. Замонавий бинолар, иншоотлар бунёд этилган.

Аввало бизга сабоқ берган профессор Очил Тоғаев, Тохир Пидаяев, Анвар Шомаксудов, Ғайбулла Саломов, Хулқар Олимжоннова, Сайди Умиров, Абдулла Сайфиддинов, Бойбўта Дўстқораяев каби устозларни ёдга олдик.

Курсимизнинг етакчиси (староста-си) бўлган сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Мансур Бекмуродов, «Дўстлик» ва «Меҳнат шухрати» орденлари соҳибаси, бухоролик Раъно Раҳимова, журналистиканинг турли йўналишларида, турли оммавий ахборот воситаларида ижод қилган, қилаётган сурхондарёлик Жуманазар Аноров, навоийлик Низомиддин Садриддинов, тошкентлик тажрибали

• 45 йилдан кейинги учрашув

ДИЙДОР ШИРИН

Дунёда дийдор деган бир ширин тўйгу борки, у қўнғилларни яйратиб, юракка қувват бағишлайди. Тугишганлар, яқинлар, дўст-у биродарлар билан учрашувлар бошқа, улар билан тўю маъракада кўришиб турсиз. Лекин 30-40-50 йил кўришмаган курсдошлар билан соғинишиб, дийдорлашувнинг ўрни ва ғашти бошқача бўлади.



журналист ва таржимон Васи́ла Насриддинова (биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитратнинг невараси келини), ушбу соҳанинг турли йўналишларида ижод қилган Башорат Агзамова, Дилдора Хўжаева, Мунира Алимхаммидова, фаргоналик Эътибор Аҳмедова, кашкадарёлик Максуд Ҳамроев ва бошқа курсдошларимиз иштирок этишди. Улар билан талабалик йилларимизни бирга-бирга эслашдик, гоҳ

кулдик, гоҳ гамгин лаҳзаларни ёдга олдик.

— Ҳаёт шунақа, тез оқар дарёдек ўтар экан, салкам ярим аср ортда қолди, — деди Мансур Бекмуродов. — Биз эса худди кемалардек шу оқим йўналишида, гоҳ оқимга қарши сузиб, ҳаётнинг турли бекатларига етдик, ўтдик ва ўтаёмиз. Бундан 50 йил аввал мактабни энди тамомлаб, университетга кирган пайтимизда ҳаммамиз

навқирон, билимга чанқок эдик. Талабалик олтин даври бизни бирлаштирди, турли синовларда синади, чиниктирди. Менинг ёшим бошқалардан биров каттарок бўлгани учун курсга етакчилик қилиш масъулияти чекимга тушди. Ўшанда курсдошларни худди укаларим, сингилларимдек кўрардим, уларни имкон борича қўлаб-қувватлардим, қувончу ташвишларига шерик эдим. Кутубхоналарда бирга дарс тайёрлаб, амалиётларда бирга иштирок этардик. Таътил пайтларида курсдош йиғилгларнинг уйларида бориб, томоркаларидаги юмушларда, уй қурганларида хашарларда қатнашиб, ош дамлаган кунларим ҳам бўлган. Ўшанда бошланган дўстлик ришталари мана шу кунларгача давом этмоқда. Бугун талабаликнинг ҳар бир лаҳзаси ёдга тушаяпти. Учрашувни ташкил этишда бош-кош бўлган Жуманазар, Максуд, Башорат, Раъно ва бошқа курсдошларга миннатдорчилик билдираман. Ҳаммаларингизга узок умр, сихат-саломатлик, ижодий ютуқлар тилайман.

Бошқалар ҳам ўз ҳаёт йўллари, тақдирлари, ижодлари ҳақида сўзлашди. Камина ҳам 45 йил бир даргоҳда, вилоятнинг бош наشري бўлган “Сирдарё хақиқати” (ҳозирги “Янги Сирдарё”) газетаси тахририясида меҳнат қилаётганим, ҳаётда топганларим, устозларим, ютуқларим, камтарона меҳнатим туфайли олган мукофотларим, ҳамон кадрдон даргоҳда ижод қилаётганим тўғрисида гапирдим.

Бошқалар ҳам ўз ҳаёт йўллари, тақдирлари, ижодлари ҳақида сўзлашди. Ҳа, дийдор дамлари ширин-да.

Холида ПАРДАБОЕВА.

Суратда: учрашувдан лавҳа.



• Китобхон мулоҳазалари

“Ултонтоз”

— ЯНГИ ЎЗБЕК РОМАНИ —

жой номлари ва қаҳрамонлар исмларида рамзийлик уфуриб туради. Шўролар ҳокимият бошига келгач, илмий миллат оидинларини четга суриб, Ултонтозга ўхшаган ялангоёк оми-авомларни бошқарув идораларига қўтарди, уларни халққа қарши қайрайди. Натижада миллатимиз орасида кескин карама-қаршиликлар, эврилишлар юзага чиқади. Асар қаҳрамонларидан бири юртдаги кингайишларни англаган Кураш афғонга отланар экан онасига қарата: “Шўро шўримизга шўрва тўқади, шекилли”, дейди тагдор қилиб. Большовийлар сиёсати миллатни икки қутбога ажратади. Бою камбағални бир-бирига бамисоли ит-мушукдек ёвлаштириб қўяди. Бир-бирини қаматади, қонини тўқади. Динидан чиқариб, худосизга айлантиради. Барчани тенг қилиш йўлидан боради. Уларнинг асосий шиори: “Йўқолсин, бойлар! Яшасин, йўқсиллар!” Бу сиёсат миллатга ўз ҳукмини ўтказади. Пировардида шўро салтанати йўқсиллар маконига айланди.

Романда шўролар давридаги раҳбарларнинг иккиюзламчилиги, бошқарув жиловчи тўлиқ ўзининг қўлида эмаслиги сатирик бўёқларда очиб берилган. Аскартоғнинг биринчи раҳбари Кўчкин Асронқулович, унинг идеология масалалари бўйича қотиби Бодом Замоновна юқорига елпатақлиб қилиб халқни минг йиллик қадриятларидан мосуво қилиш йўллари кидиради ва бунга бир муддат эришади ҳам. Бодом Замоновна замонасоз шоир Ёвкочдини хузурига чорлаб: “Наврўз диний байрам бўлганлиги учун тақикланади. Сиз халққа янги байрам — Навбахорни тушунтиринг. Адабиётда, тарихда... А! Кўп-ку бунақа мисоллар?!” деб қолди. Ўзини мустамлакачиларнинг ишончига кирган киши эканлигини яна бир қарра англамоқчи бўлиб топширик берган шоирга қарата: “О! Жуда яхши! Отлично! Желаю удачи!” дея нутқига сиёсий тус беради, бошқача айтганда ажнабийча тўн қийдиради.

Фирка қотибининг бундай ишончидан рухланган Ёвкочди дунё топган дарвишдай қувониб кетади. Маддохликни ўзига касб қилиб олган шоир жабборқулда жон борми, дея ишга киришади. Мактабу СПТУларда Навбахорнинг фазилатларини ошириб-тошириб таъриф тавсиф этганда “туз” қузири қилиб Муқимий газалини ёд айтишдан толмайди.

*“Навбахор очилди гуллар,
сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик, келинлар,
жўралар, ўртоқлар”.*

Халқ омонат ташвиқотларига қулоқ осмаса-да, юқорида ўтирган раҳбарлар эл-улус қулогига лагмон олиб, барибир ўз билганларидан қолмайдилар. Бу яқин тарихимизда содир бўлган ҳам қулгили, ҳам қуйгили воқеалардир. Бу ҳақда хассос шоиримиз Абдулла Орипов бир тўртлигида топиб ёзган.

*Сен бизни кечиргин, эй Наврўзимиз,
Ғафлатда чалғиди ул кун кўзимиз.
Ўзингга шапалоқ тортиб юбордик,
Шўрпахта босамиз энди ўзимиз.*

“Ултонтоз”даги кўпгина қаҳрамонларнинг исми фамилиялари эшитган қулоққа галати чалинади. Қулли Чилтонов, Добил Тўйлиев, Кафилбек, Диамат Итолмасов, Туфли Михлиев...



Бу исмларнинг айримларида давр сиёсатининг нуқси кўзга ташланади. Масалан, педагогика институти ректори Диамат Итолмасовнинг исмида “диалектик материализм” илмий атамасининг қисқарган шакли зухр топган. Туфли Михлиевнинг исми шарҳланганда беҳатиёр юзингизга заҳарханда қулги ёйилади. Аскартоғ халқ таълими бўлими лавозимда хизмат қиладиган Туфли Михлиевни фирка қўмитаси раиси Кўчкин Асронқулович ва идеология қотиби Бодом Замоновна ҳар гал исмини айтиб чақирганда мазах қилгандай нописанд мурожаат қиладди. Туфли Михлиев биродари Барака Бўронга дардини дастурхон қилганида:

“Чиданг, домилла! — насихатдан ўзи завқланиб, бир оғиз гапига махтал турган домлага яна гап уқтира кетади. — Сиз индаманг, хўп денг. Қутуласиз”.

Бирок Барака Бўрон дўстининг китик пастига тегишни қанда қилмайди:

“Ўзи, ростдан, нега отингиз Туфли?”

“Мана, сиз ҳам бошладингиз. Туфли эмас, Туп-ли! Тушундингизми? Туп қўйсин, ўз-ўзидан қўпайсин деган маънода қўйган ота-онам. Лекин ЗАГСдаги бир энагар оккулоқ метиркамга боягидек қилиб ёзиб юборган-да. Шу-шу Туфли Михли...”

Адиб томонидан персонажлар нутқига сингдирилган пичинг, киноя

ўқирманни ўйланишга, фикрлашга ундайди. Зеро, шўролар замонидан қолган бу иллат ҳалиҳамон ҳукм сурмоқда. Икки ватандошимиздан бирининг исми ёхуд фамилияси ҳужжатларида нотўғри битилган. Мен охири сайловдан кейин халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатларнинг исм-фамилияларини кўздан кечириб чиқдим. Халқ ноиблари 32 фойзининг исми ёки отасининг исми ўзбек тили қодаларига мос ёзилмаган. Шу ўринда Янги Ўзбекистон фуқаролари бу хатолардан қачон халос бўлади, деган ҳақли савол тугилади.

Романнинг тили ҳақида алоҳида тўхталмасак бўлмас. Унда халқ оғзида юрган мақоллар, охорли сўз ва иборалардан адиб ўз ўрнида ва кенг фойдаланган. Бу эса асарнинг ўқишлилигини чандон оширган. Мана, шундай сўз ва иборалардан намуналар: “эл олаогиз бўлди”, “гажжак гап”, “бегона тўн кирчил бўлади”, “бегона қишлоқнинг дугонаси”, “эмачаси эзилиб”, “алам ҳам асал қаби эскирмайди”, “гапнинг туюри”, “кун қўраман десанг, уртинга тош солиб ўтир”, “қурт дарахтнинг ўзидан чиқади”, “қудукдаги сувга итнинг бурни етмайди...” Албатта, ушбу сўз ва иборалар шунчаки ишлатилмайди, балки персонажларнинг характери очишга, нутқини индивидуллаштиришга хизмат қилади. Баъзи сўз ва ибораларда эса шўро салтанати қолдирган асоратларга муносабат ётади. Масалан, романда ишлатилган “Алиф” йўқ. Лекин қалтак бор” иборасини олиб қўрайлик. Газетада чоп этилган саводсизликни тугатиш

ҳақидаги мақола билан танишган роман персонажлари Ойтувгон ва Ёмгир ўртасида шундай гап-сўз бўлиб ўтади.

“Биз кўрсовод-да? А?! — Сўнг аччиқ кулимсираганча, бош силкиди. — Бир ҳисобдан тўғри. Биласанми, жўра. Бировни мактасак, “Фалончи алифдек йигит” дер эдик. Отам раҳматли ерга бир чизик чизиб, “Ана шу алиф” деган эди. “Мим”ни оғзимизга, “нун” ҳарфини туянинг ўрқачига менгаб ўрганган эди отам. Икки қўлини орқага қилиб энқайиб юрадиган ҳамсоя бобони кўрсатиб: “Ана, “дол” дегани халиям қулогим остида...”

Ёмгир бармоқларини букиб, гапга қўшилди:

“Ҳарф алмашиб, ёзув ўзгариб мақолларимиздан ҳам айрилибмиз-да? Уларнинг ҳам жони чиқиб кетибди-я?!”

Ушбу диалогда миллатимизнинг фойдаларидан бири — ёзувимизнинг бир неча бор ўзгариб, саводхонлигимизга салбий таъсир кўрсатганлиги ҳаққоний ифодаланган.

Бир сўз билан айтганда, Олим Тошбоевнинг “Ултонтоз” асари “Янги ўзбек романи” мақомига тўлиқ жавоб беради. Уни мутолаа қилган ҳар бир ўқирман ўзлигини англаш йўлида бир қадам олға босади.

Муҳаммадали АҲМАД,

ФОЙДАСИЗ ПУШАЙМОН

Содиқ муаллим харид қилишни тугаллагач, шахсий машинаси турган тураргоҳ томонга йўналди. Аравакаш йигит ёрдамида халталарни “Нексия”нинг юқхонасига жойлаштирганидан сўнг чўнтагидан ўн минг сўм пул чиқарди.

— Қўверинг, устоз, — деди йигит муаллимнинг кўзларига тик қарай олмай

— “Устоз”, деяпсанми, ука? Мен сенга дарс берганманми?

— Ҳа, устоз, мен собик ўқувчингиз Шодиёрман...

— Ие, сен хали ҳамқишлоғим Дониёр аканинг ўғлимисан? Орадан йиллар ўтди. Кел, қўришиб қўяйлик.

Шодиёр устози билан икки қўлаб қўришди.

— Нега боя учрашганимизда бир сўз ҳам демай, бошингни эгиб, ишингни бажариб, ортимдан жимгина юравердинг?

— Устоз, олдингизда хижолатман. Мактабда юқори синфларда ўқиб юрган чоғларимда Сиз хар доим “математикага иктидоринг баланд”, дер эдингиз. Мен эса гапларингизга парво қилмай, бир амаллаб ўқишни битирдим. Энди кўп бора пушаймон бўляпман. Бир касбни эгалламай шу пайтгача аравакашлик қилиб юрибман. Бу шаҳарда бир ҳамкасбим билан ижарада яшайман.

— Биласанми, Шодиёр, сенинг аълочи бўлган

синфдошларинг ҳаётда, жамиятда ўз ўринларини топиб олишди. Масалан, Салим вилоят ички ишлар бошқармасида масъул лавозимда, Норйигит — қатта завод директори, Наима — олий тоифали шифокор. Соҳибжон нуфузли фирманинг бошлиғи, Манзура олийгоҳда ўқитувчи. Мен улар билан фахрланаман. Аммо ўша гапим гап. Ҳалиям бўлса ўқи. Ўқишнинг кечи йўқ. Ўқиган, китоб қўрган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Машойхлар “бешиқдан қабргача илм изла”, дея бежиз айтишмаган. Ҳали ёшсан. Бир уришиб кўр. Аравакашлик эса ҳеч қачон қочиб кетмайди, — деди Содиқ муаллим. Сўнг у машинаси томон юра бошлади.

Ҳасан АБДУВОҲИДОВ

Умр сўқмоқларида

Муҳаббат йўқ

Ҳаётингда билинмайди борлигим ҳам,
Юрагингда на ишқ, на нафрат йўқ,
Билмадим...
Бу тақдирдан қандай қарам,
Ўртамизда муҳаббат йўқ, муҳаббат йўқ!

Ёшликдаги олов ҳислар ҳавасмиди?
Дилинг ўзга санамларга пайвастмиди?
Турмуш гузал орзуларга қафасмиди?
Ўртамизда муҳаббат йўқ, муҳаббат йўқ!

Ишқинг билан дилим вайрон этаяпсан,
Ёлғизликда умрим хазон этаяпсан,
Парвосиздай ўз йўлингда кетаяпсан,
Ўртамизда муҳаббат йўқ, муҳаббат йўқ!

Аёл севса, қумга тушган сув бўларкан,
Ўз ўтида ўзи қуйиб қул бўларкан,
Зарра ишққа борин бериб қул бўларкан,
Ўртамизда муҳаббат йўқ, муҳаббат йўқ!

Фарзандлар бор қўз қоралар, дил қоралар,
Бетоб бўлса кўнглингизга ғам оралар,
Биз уларсиз эриб битмас муз қоялар,
Ўртамизда муҳаббат йўқ, муҳаббат йўқ!

Тақдир нега иккимизни топштирди,
Билмайсанми, қай мақсадда қовуштирди?
Бахтимизни саробларга қориштирди,
Ўртамизда муҳаббат йўқ, муҳаббат йўқ!
Саврия ТОҲИРОВА, Жиззах.

Не бахт, қисмат китобида сенам борсан, менам борман
Фаслларнинг ишобида сенам борсан, менам борман.

Тушурдинг кўнглима ишқинг, ки қон ўлди дилистоним,
Юракларнинг хитобида сенам борсан, менам борман.

На қулдим мен ва на суйдим, хазон ўлди гулистоним,
Бу кунлар офитобида сенам борсан, менам борман.

Недан бунча очибсан юз, нурафшон қил зимистоним
Меҳрнинг меҳробидида сенам борсан, менам борман.

Кел-ей тўрт ён чаман бўлсин, ватан қил боғу бўстоним
Не бахтки, ишқ бобида сенам борсан, менам борман.

Дилобар, жону дил бирла якун этдим бу достоним
Саҳар шудринг селобида сенам борсан, менам борман.

Дилобар ЖЎРАЕВА, Бухоро.

Қайлардасан?

Дилим бемор,
Васлинг зор.
Қўзи ҳумор,
Қайлардасан?

Дилга даво,
Бергин садо.
Бўлдим адо,
Қайлардасан?

Ёлғиз ўзим,
Қўлмас юзим.
Гул юлдузим,
Қайлардасан?

Ҳолим ёмон,
Рангим самон.
Келгин омон,
Қайлардасан?
Валижон АЗИМ,
Қозоғистон.



— Нега бизда кўп соҳаларда ривожланиш
орқазга қараб кетаверяпти?

— Чунки аҳмоқларга берилган имкониятлар
даҳоларга берилмаяпти...

Малоҳат АНВАР.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“ҚЎРҒОНТЕПА ДЕХҚОН БОЗОРИ” масъулияти чекланган жамият таъсисчилари дикқатига!

2022 йил 15 июнь куни соат 11.00да “ҚЎРҒОНТЕПА ДЕХҚОН БОЗОРИ”
масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдан ташқари умумий
йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Манзил: “Қўргонтепа деҳқон бозори” МЧЖнинг маъмурий биноси.

КУН ТАРТИБИ:

1. Қўргонтепа деҳқон бозори МЧЖнинг низом ва таъсис шартномасини ян-
гилаш.
 2. Қўргонтепа деҳқон бозори МЧЖнинг раҳбарини сайлаш ёки шартномани
узайтириш.
 3. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд
миқдорини белгилаш.
 4. Жамиятнинг мавзуга оид ва бошқа масалалар муҳокамаси.
- Умумий йиғилишда қатнашувчилар шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки
уларнинг вакиллари нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан келиш-
лари шарт.
- Кун тартибдаги масалалар бўйича ахборот материаллари билан таъсисчилар
жамият маъмуриятида танишишлари мумкин.

“Қўргонтепа деҳқон бозори” МЧЖ маъмурияти.

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани “БАХТ-Х” МЧЖга танлов асосида раҳбар қабул қилинади

Иштирокчиларга қўйиладиган малакавий талаблар Олий маълумотли
Савдо бўйича мутахассис ва шунга турдош иктисодчи ёки ҳуқуқшунос. Раҳ-
барлик малакасига эга бўлиши давлат идораларида камида беш йил фаолият
юртган номзодларнинг таклифлари қабул қилинади.

Таклифлар 2022 йил 17 июнь соат 18-00 гача Сирдарё вилоят давлат актив-
лари худудий бошқармасининг умумий бўлимига топширилиши лозим.

Манзил: Гулистон шаҳар Ўзбекистон шохқўчаси, 3-уй. Телефонлар
(67) 226-53-15, (67) 226-53-05.

Фуқаро Эргашева Севара Равшан қизи номига Боёвут туманидаги 17-уму-
мий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда берилган UM 1026662 рақамли
шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Мустафаев Суннатулло Эшқузиёвич номига Агроинспекциянинг
Боёвут туман бўлими томонидан 2020 йилда берилган UZ-AA 004410 рақамли
I-синф пластик шаклдаги тракторчи машинист гувоҳномаси йўқолганлиги са-
бабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Ахмедова Мафтуна Суннатулло қизи номига Гулистон шаҳридаги
16-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда берилган UM 1036089
рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Шамуратова (Ширинбаева) Азиза Улугбек қизи номига Янгиер пе-
дагогика коллежи томонидан 2014 йилда берилган К 3251282 рақамли диплом
йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Мирзаназарова Анаора Абдумўмин қизи номига Янгиер тиббиёт кол-
лежи томонидан 2018 йилда берилган К 5181841 рақамли диплом йўқолганлиги
сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

“САЙХУНОБОД ДЕХҚОН БОЗОРИ” масъулияти чекланган жамият таъсисчилари дикқатига!

2022 йил 15 июнь куни соат 11.00да “САЙХУНОБОД ДЕХҚОН БОЗОРИ”
масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдан ташқари уму-
мий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Манзил: Сирдарё шаҳар, Туркистон кўчасида жойлашган “КАМА-
РИСТОН ДЕХҚОН БОЗОРИ” МЧЖ идораси мажлислар зали.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Сайхунобод деҳқон бозори” МЧЖнинг янги таҳрирдаги уставини тас-
диқлаш.
 - 2 “Сирдарё деҳқон бозори” МЧЖнинг янги таҳрирдаги таъсис шартнома-
сини тасдиқлаш.
- Умумий йиғилишда қатнашувчилар шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки
уларнинг вакиллари нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан келиш-
лари шарт.

“Сайхунобод деҳқон бозори” МЧЖ маъмурияти.

Фуқаро Алиева Дилноза Умарджановна номига 2-Республика тиббиёт кол-
лежи томонидан 2006 йилда берилган К 534723 рақамли диплом йўқолганлиги
сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Холмаматов Ҳасан Дилшод ўғли номига Мирзаобод технология (ав-
валги Мирзаобод хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи) техникуми томонидан
2019 йилда берилган К 5607380 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР
ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Эргашева Раъно Ботировна номига Боёвут туманидаги 29-умумий
ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда берилган 1722335 рақамли аттестат
(шаҳодатнома) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ушбу эълон матни мактаб маъмурияти томонидан берилган маълумотнинг ха-
толиги сабабли қайта берилмоқда.

Фуқаро Юлдашев Шуқурullo Хабибулло ўғли номига Сирдарё РИБ (ТРИБ) то-
монидан 2017 йилда берилган АС 751189 рақамли хайдовчилик гувоҳномасининг
О`zR 2985189 рақамли талони йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Мамарасулов Жаҳонгир Юлчиевич номига Гулистон район, СССР
60-йиллиги №3 мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинати томонидан 1988
йилда берилган С № 223750 рақамли тракторчилик гувоҳномаси йўқолганлиги
сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Каримов Ислом Бахтиёр ўғли номига Гулистон Олимпия захиралари
коллежи томонидан 2018 йилда берилган К 5188357 рақамли диплом йўқолган-
лиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Айбашова (Мусаева) Махсуда Кучкаровна номига Сардоба тумани-
даги 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2006 йилда берилган О`R-SH
0462657 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Дустбекова (Мусаева) Мохира Кучкаровна номига Сардоба тумани-
даги 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда берилган О`R-A
1721630 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Махтумқули

Ҳар аҳмоққа айтма дарду сўзингни,
Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас.
Ғусса билан дон-дона кўзингдан
Аччиқ ёшларингни тўкканча бўлмас.

Қаноатда, иззатда тут ўзингни,
Тамаъ қилиб, саргайторма юзингни.
Ҳар номардга раво қўрма сўзингни,
Сўзингни биносин йиққанча бўлмас.

Мағрур бўлиб кезма умринг гулига,
Дуч бўларсан бир кун ҳазон елига.
Юз йил яшаб, тушсанг ажсал қўлига,
Чапингдан ўнсингга боққанча бўлмас.

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
Юқар ундан турли-туман касофат.
Кўмирга ҳар неча айласанг иззат,
Манглайга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқули, ҳаргиз топмадим омон,
Ёмон тилнинг захри тизлардан ёмон.
Ёмон тил ёнида захри қўп илон —
Чақса-да бир чивин чаққанча бўлмас.

Чокар

Ҳуснинг гули то бўлди жаҳон мулкида пайдо,
Эй шўҳи паризод,
Солди ани ишқи бошига кулфати савдо,
Қилгин манга имдод.
Билмам на сифат одам эдинг ноз фарида,
Эй қўзлари шахло,
Қилдинг мани бир боқини ила ҳуснингга шайдо,
Жилва қилиб ижод.
Лайли била Ширин чу эмас ёрима монанд
Бир зарра ҳам, аҳбоб,
Ман бирла қачон тенг бўлур ишқ ичра жаҳонда
Мажнун ила Фарҳод.
Сийнамда чу этди бу кўнгли мулкани вайрон
Ёндирғали жоним,
Энди анга раҳм айлабон, эй дилбари барно,
Қилгин ани обод,
Чокар гами ишқингда қачон бўлса гирифторм,
Ишқ, ичра балокаш,
Дардига ани шахди лабинг қилдим даво,
Эй қомати шамшод?!

**Ниҳон**

Ўйласам, шу дилбарим маккорга ўхшайди-ку,
Раҳни йўқ бир бевафо дилдорга ўхшайди-ку.

Ул қуни гулгун ниқобини очуб, ман хастани
Ишқидин бўйнимга солган торга, ўхшайди-ку.

То бу дам олмас хабар, бўлди юраклар чок-чок,
Шўҳи золим ҳийла дилдорга ўхшайди-ку.

Наргиси айлар мурувват, деса, қўймас қўзлари,
Ханжари мужгонлари хунхорга ўхшайди-ку.

Ўзича қилмас манга мунча жафою жабрни,
Анга ўргатган магар азёрга ўхшайди-ку.

Эй Ниҳон, қилдинг тавалло неча йиллар,
Келмади,
Сан каби бечорадин безорга ўхшайди-ку.

Нодира

Эй сарви равон, надур хаёлинг,
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста дуои хайр этармен,
Мақсадум эрур сенинг камолинг.

Ул ойни юзига баҳс этарсен,
Етмиш магар, эй қўш, заволинг.

Зухд аҳлига салсабилу кавсар,
Басдур менга раиҳаи зулолинг.

Чиқмасда ҳануз хату саводи,
Мусхафда муборак эрди фолинг.

Жамшидни жомидин зиёда,
Эй ринди гадо, синук, сафолинг.

Ушшоқларинг гамингда ўлди,
Йўқтур сени зарраи малоллинг.

Эй хаста кўнгул, фироқ, ичида
Дам ургали қолмади мажоллинг.

Эй Нодира, лофи ишқ урарсен,
Маишхури халойиқ ўлди ҳолинг.

Комил

Эй юзунг кўзгусига волаю ҳайрон наргис,
Кўзинг олтидадурур сурати бежон наргис.

Гўйиё тонди чаман сори хироминг хабарин,
Фош этар ҳар кеча гулшанда чарогон наргис.

Бордур борча тамошойи жамолингдин дур,
Гарчи бор ҳар бири бир дийдаи ҳайрон наргис.

Ташла шахло қўз уза зулфни сунбул янглиз,
Кўрубон бўлсун они зору паршон наргис.

Наргисистони жаҳон бўлди тамошогоҳим,
Кўрмадим наргиси монандида фаттон наргис.

Лаъли жонбахшинг эрур руҳи равон Комилга,
Нигаҳи қотил ила гарчи олур жон наргис.

Хазиний

Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, чашимим гирёна тонг отқунча.
Мен — Вомиқу сен — Узро, васлингга етолмасдан,
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отқунча.

Раҳм айла бу ҳолимга, эй қўзлари хумморим,
Ҳажрингда бу кўнгуллар вайрона тонг отқунча.
Эй шўҳи жафопеша, бераҳм ситамгарсан,
Мандин хабар олмайсан пинҳона тонг отқунча.

Ҳеч кимга деймасдин бу сирри пинҳонимни,
Бағрим хунига тўлди наймона тонг отқунча.
Хилватда агар кўрсам, арзимни баён айлай,
Сан бирлан агар бўлсам ҳамхона тонг отқунча.

Оқшомда жамолингни шамъини мунаввар қил,
Жонимни этай санго парвона тонг отқунча.
Найлайки, иложим йўқ, ҳар ғўшада йигларман,
Тор ўлди Хазинийга Фаргона тонг отқунча.

**Фурқат**

На бўлди, нигоро, биза асло қарамайсиз?
Гулдек очилиб, гунчаи хумро, қарамайсиз!

Ё ўзга кишилар сиза сўз ўргатадурму?
Йўқса, нега ҳеч сўз деймайин, ё қарамайсиз?

Кўрганда мени мунча шитоб айлаб ўтарсиз,
Борму магар ул ёна тамошо, қарамайсиз!

Хўблар била келганда-ку мендин қиласиз ор,
Энди ўзингиз яккаю танҳо — қарамайсиз.

Фурқат қўлингиз мисли гадо йўлда ётодур,
Бир лутфу қарам қилғили, шох, қарамайсиз.

Ноқис

Ишқингда зор бўлдуму гамгин димоғман!
Бемори фурқатингману зоҳирда соғман,
Ақду ҳушум сапинг била — ўздин йирогман,
Кўрсат юзингни — толиби нури чарогман,
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Ўлдум жамолинг шавқида — дардинг ололмадим,
Бошингдин, эй санам, нега мен ўргулмадим?
Бир лаҳза ишрат уйда мажлис қуролмадим,
Лаъли лабингни қандини бир дам сўролмадим,
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Золим фалак фироқинга солди мени, нетай,
Қандог гамингни сийнада элдин ниҳон тутай,
Сабру қарорим қолмади, эй жон нечук этай,
Мажнунни бенаво киби ё бош олиб кетай,
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Кўрдум юзингни — қолмади бир зарра тоқатим,
Тун-кечаларда йўқ мани бир дам фароғатим,
Заҳр ўлди шаккар оғзига, кетти ҳаловатим,
Билмас киши гаминг била чеккан надоматим,
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Сенсан париваи аҳлини шўҳи замонаси,
Менман сенинг гаминг била олам фасонаси,
Кўнгул қушини боиси чангу таронаси,
Зулфунгни домию яна ҳолингни донаси,
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Ўлсам эди висолингга парвонадек куюб,
Жон берсам эрди бошими
остонанга қуюб,
Махмурликда бодаи васлинг
била туюб,
Ноқислигимда кўксими тийри
мижанг ўюб,
Ҳажрингда дарду ғам билан
ҳасратда доғман.



YANGI SIRDARYO

Бош муҳаррир:
**Муҳаммад
ИСМОИЛОВ**

Муассис: Сирдарё вилояти
хокимлиги

2020 йил 25 июнда Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги
Сирдарё вилояти
бошқармасида 10-023 рақами билан
рўйхатга олинган.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона: (67) 225-21-05,
Уринбосар: (67) 225-11-14,
булимлар: (67) 225-01-92,
(67) 225-01-67, (67) 225-26-53,
(67) 225-12-59, реклама ва эълонлар:
(67) 225-15-07.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газета “Янги Сирдарё” тахририяти компьютер марказида
териблиб, саҳифаланди. А3 форматда, 12 саҳифада 3 босма табок
офсет усулида “SHARQ” NMAKда 1500 нусхада чоп этилди.
Босмахона манзили: Топкент ш., Миробод тумани, Буюк Турон
кўчаси, 41-уй. Тел.: (71) 233 11 07. Буюртма Г-626.

Бизга ёзинг: 120100, Гулистон шаҳри, Навоий шўҳқўчаси, 30-уй
E-mail: sirdaryohaqiqati@umail.uz Веб-сайт: sirdaryo24.uz
Телеграм: @sirdaryo24 Facebook: sirdaryo haqiqati

Навбатчи:
М.АХМЕДОВ

Нашр кўрсаткичи 459.
ISSN 2181-5984
Топшириш вақти - 16.00
Топширилди - 20.00
2.06.2022 йил

©—Тижорат материали

Сотувда эркин нархда